Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 18 ноябрь
ЖУМА
№ 265 (4.464).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ЧОРВАДОР УЧУН СИНОВ ПАЛЛАСИ

Мамлакатимиз бутун халқ хўжалиги комплекси ишларини қайта қуриш учун курашнинг ҳал қилувчи палласига кирган, уни иқтисодий негизга ўтказаётган ҳозирги пайтда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Одам унумли меҳнат қилиши учун унинг дастурхони тўкин бўлиши керак. Партия XXVII съезди, КПСС нинг Бутуниттифоқ XIX конференцияси, Марказий Комитетда бўлиб ўтган учрашувларда шу ҳақда такрор ва такрор таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистонда ўн иккинчи беш йиллиннинг учинчи йилида бу соҳада муайян ишлар қилинди. Республика дон тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли адо этди. Қабул пунктларига 1 миллион тоннадан зиёд дон, жумладан 480 минг тонна шоли ва 161 минг тонна маккажўхори етказиб берилди. Ана шу экинлар ҳосилдорлиги ўтган йилдагидан анча юқори бўлди. Боғбонлар ва сабзавоткорлар ҳам астойдил меҳнат қилдилар. Улар ўтган йилги кўрсаткичларни бирмунча оширишга эришдилар.

Чорвадорларимиз қўлга киритаётган муваффақиятларни алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозирга қадар давлатга 276 минг тонна гўшт, 821 минг тонна сут, бир миллиард 240 миллион дона тухум топширилди. Бу ўтган йилнинг ана шу давридагига нисбатан олганда 4—9 процент кўп демакдир. Қорақалпоғистон АССРда, шунингдек, барча областларда гўшт етиштириш ҳажми ўсди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 1987 йилнинг шу муддатига нисбатан 5,6 процент ортиқ бўлди. Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Наманган областларнинг ферма ходимлари айниқса яхши ишладилар.

Эришилган натижалардан қониқиш ҳосил қилишга ҳали эрта. Ўзбекистон чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришнинг барча имкониятларига эга. Бироқ бунинг учун ферма ходимлари мустаҳкам замин яратишлари, яъни ҳозирги қишловни муваффақиятли ўтказишлари, аёзли кунларда сигирлар сутнинг камайишига, молларнинг озишига, чорванинг нобуд бўлишига йўл қўймасликлари шарт. Бу вазифа уддаланмас экан, гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтириш мушкул.

Кеча матбуотда КПСС Марказий Комитетининг мамлакат агросаноат комплексидаги коммунистларга, фермаларнинг меҳнатчиларига, барча ходимларга хати босилиб чиқди. Унда 1988—89 йил куз-қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишга даъват этилган. Мактубда қишловнинг дастлабки кунлариданоқ барча фермалар ва комплексларнинг, ҳар бир озуқа цехи ва озуқахонанинг бир маромда ишлашини йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланади. Ишни сира ҳам пайсалга солиб бўлмайди, чунки вақтни бой бериш маҳсулотни бой бериш демакдир. Қишга ғамлаб қўйилган ем-хашакни пухта сақлаш ва ундан оқилкорлик билан фойдаланиш зарур. Энг юқори даражада самара олиш учун ем-хашакнинг ҳар бир килограммини оқилона ишлатиш керак. Маҳсулот бирлигига ҳисоблаганда концентратлар сарфини камайтириш, уни ембоп дон, оқсилли-витаминли моддалар ва бошқа қўшимчалар билан бойитмасдан, тегишлича тайёрламасдан молга берилишига йўл қўймаслик айниқса муҳимдир. Бу нарса камроқ сарф-харажат билан қўшимча маҳсулот олиш имконини беради.

Шуни эътироф этиш керакки, бу йўналишда республикамизда анчагина ишлар амалга оширилди. Ҳозирга қадар 5 миллион тоннадан зиёд ғалла ва шкрали озуқа жамғарилди. Қишлов учун шартли ҳар бош мол ҳисобига 14,3 центнер озуқа бирлиги тайёрланди, бу ўтган мавсумдагига қараганда 0,4 центнер кўпдир. Мазкур кўрсаткич кишини қаноатлантирмайди, чунки план бўйича 16 центнердан бўлиши керак эди. Шундай экан, ёғуғ ва қуруқ куннларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб ем-хашак жамғаришни давом эттириш, жамоат чорвачилигини тўлақонли рацион билан таъминлаш чораларини кўриш лозим.

Умуман республика бўйича олганда об-ҳаво қулай келганига қарамай маданий ва табиий ўтлардан пичан тайёрлаш плани атиги 67 процент бажарилди, холос. Бошқача қилиб айтганда, бултургига қараганда 233 минг тонна кам пичан ўрилиб, фермаларга келтириб қўйилди. Бу соҳада айниқса Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё областлари, Қорақалпоғистон АССР озуқакорлари орқада қолдилар. Ленинобод, Қораўзак, Косон, Ғузор, Муборак, Чироқчи, Учқудуқ, Қўшкўпир районларнинг хўжаликларида жамоат чорвачилиги учун ем-хашак жамғариш плани бор-йўғи 60—70 процент атрофида бажарилди, холос.

Озуқа сифати чорвани тўлақонли рацион билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Афсуски, кўпгина областлар, районлар ва хўжаликларда бу кўрсаткич анча паст. Умуман республика бўйича тайёрланган пичаннинг атиги 39 процента биринчи классга, 30 процента иккинчи классга тааллуқли.

Чорва қишловига бинолар, ускуналар ва техниканн тайёрлаш сифати ҳақида ҳам ана шундай фикр айтиш мумкин. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети маълумотларига кўра қорамоллар фермалари, қўйчилик кошарлари ремонти фақат Сирдарё, Сурхондарё областлари, Қорақалпоғистон АССРдагина тугалланмаган. Агар бу ишга қатъий талаблар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, кўпчилик районлар ва хўжаликларда чорвачилик бинолари ремонтида асосан деразаларга ойна қўйиш, иморатларни енгил-елпи оқлаш билан чекланилганлигини кўрамиз.

Шундай қилиш тўғримі? Йўқ, албатта. Қишлов чоғи ҳар бир ферма аниқ, узилишларсиз ишлаши учун ускуналар, механизмлар ҳолатини яна бир бор кўздан кечириб чиқиш, уларни муносиб даражага келтириш, чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишлари учун яна кўпдан-кўп қулайликлар яратиб бериш керак.

КПСС Марказий Комитетининг хатида мавжуд озуқа цехлари ва озуқахоналарнинг ҳаммасидан тўлақонли фойдаланиш зарурлиги таъкидланган, бир килограмм ҳам озуқа олдиндан тайёрланмасдан ва қўшимчалар билан бойитилмасдан молларга берилмаслиги таъкидланган. Буларнинг барчаси ем-хашакдан оқилона фойдаланиш омилларидир. Борди-ю, ҳисоботларга кўз югуртирадиган бўлсак, республикада бу соҳадаги ишлар кўнгилдагидек кўринмади. Ҳозирга қадар 2.912 озуқа цехи ва озуқахона ишга туширишли, уларда қишловнинг ўтган даври мобайнида 249 минг тонна ем-хашак қайта ишланди. Шунисн ҳам борки, иссиқ кунларда улар ишлатилаверади, совуқ тушгач эса тўхтатиб қўйилади. Бунинг сабаблари кўп: гоҳ ёнилғи келтирилмаган бўлади, гоҳида қувурлар яхлаб қолади. Ўтган йилларда йўл қўйилган бундай хатоларни эндиликда такрорламаслик учун ҳамма чораларни кўриш зарур.

Чорвадорлар унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шарт-шароит яратиб бериш даркор. Ҳозирги пайтда фермаларда 100 мингдан ортиқ киши ишлаётганини ёддан чиқармасligимиз керак. Бироқ кўпчилик жойларда улар ҳақида тегишлича ғамхўрлик кўрсатилмаяпти. Шуни айтиш кифоясиқ, қарийб 2.500 чорвадорлар уйида ошхона ва душхона, 2.785 тасида эса медпункт йўқ.

«...Бу йилги қишлов пухта ўйланган, масъулиятли қарорларни, ғайрат билан ишлашни талаб этади, — дейилади Марказий Комитет хатида. — Мамлакат чорвачилиги бу мавсумдан занфлашиб эмас, аксинча анча бақувват бўлиб чиқиши керак, бу эса энг асосий мақсадга — озиқ-овқат маҳсулотларн талай даражада кўпайтирилишига ва шу асосда одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга эришиш имконини беради. Бу ҳозир ички снёсатимизнинг энг асосий масаласидир».

Қишлов бошланганидан буён бир ярим ой вақт ўтди. Унинг дастлабки якунлари қувончлидир. Бултурнинг ана шу муддатидагига қараганда гўшт етиштириш 2.100 тонна, сут — 5.800 тонна, тухум — 10 минг 76 та кўпайди. Бу маромни бутун қишлов давомида сақлаб туришимиз керак.

М. С. ГОРБАЧЕВ Москвадан жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачев Ҳиндистон раҳбарларининг таклифига биноан 17 ноябрь куни Москвадан Деҳлига расмий дўстлик визити билан жўнаб кетди.

М. С. Горбачевнинг сафарида КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, СССР маданият министри В. Г. Захаров унга ҳамроҳ бўладилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидатлар А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д. Бакланов, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Ҳиндистоннинг СССРдаги муваққат ишлар вакили П. К. Будхвар бор эди.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВ Тошкентга келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачев Ҳиндистон раҳбарларининг таклифига биноан 17 ноябрь куни расмий дўстлик визити билан Деҳлига бораётиб Тошкентда тўхтади.

М. С. Горбачев билан биргаликда КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, бошқа расмий кишилар келдилар.

Тошкент аэропортида М. С. Горбачев ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Н. Нишонов, В. П. Анишчев, Д. Д. Берков, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. И. Огарок, Н. И. Попов, Қ. Саликов, П. Қ. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, А. С. Ефимов, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосарлари Т. А. Ёшимбетова, А. П. Романовский, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари А. Р. Отажонов, И. Искандаров, Қ. Х. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули И. Кумар бор эди.

М. С. Горбачев кутиб олишда иштирок этган область партия комитетларининг секретарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари билан суҳбатлашди. Республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришга доир кўпгина масалалар, жумладан, пахтачиликдаги ишларни янада яхшилаш, Озиқ-овқат программасини, аҳолини юқори сифатли товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан, уй-жой билан таъминлаш, регионда, айниқса Орол бўйида экология вазиятини нормаллаштириш вазифаларини ҳал қилиш тўғрисида гаплашиб олинди.

(ЎзТАГ).

СУРАТДА: М. С. Горбачевни Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

А. ГОРОКРИК ва Р. ШАГАЕВ фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

17 ноябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Қ. Ҳабибуллаев раислигида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисда республика давлат ҳокимияти олий органининг тўққизинчи сессияси ўтказилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Сессия кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифлар муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети комиссияси ва бошқа доимий комиссияларнинг иш якунлари кўриб чиқилди. Депутатлар комиссиялари Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги давлат планини, 1988 йилги план қандай бажарилаётганлигини, Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги давлат бюджети ва 1987 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни дастлабки тартибда кўриб чиқишни тугаллаганликлари ва улар юзасидан хулосалар тайёрлаганликлари маълумот учун қабул қилинди.

СССР Олий Совети Президиумининг «КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль пленумининг халқ таълимини демократиялашга оид қарорлари асосида халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан белгиланган тадбирлар муҳокама қилинди. Республика халқ депутатлари Советларига, уларнинг ижроия ва идора органларига қарорда ўртага қўйилган вазифаларни сўзсиз рўёбга чиқариш, халқ таълими самарадорлиги ва сифатини ошириш, бу ишга меҳнаткашлар ва жамоатчилик кенг доираларини жалб этиш юзасидан зарур ишларни амалга ошириш таклиф этилди. Халқ таълими ва Юстиция министрликларига, республиканинг бошқа идоралари ва ташкилотларига конкрет топшириқлар берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳузурида мукофотлар бериш масалалари билан шуғулланувчи комиссия состави, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳузуридаги матбуот группасининг состави тасдиқланди.

Мажлисда республика давлат турмушига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. Ш. Бекқулбекова, Президиум аъзолари П. П. Мельников, Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси Р. Ғ. Ғуломов, Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет комиссиясининг раиси Ш. Ҳожимуротов, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШДИ

Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз теплицаларида ҳосилдорлик чорак ҳисса ортди. Йил бошидан бери бу ерда 150 минг сўмлик қўшимча даромад олинди. Бунинг сири шундаки, мавсум давомида теплица гектарига уч литр ҳисобидан микроэлементлар қоришмаси — «Бодринг витаминлари» билан икки мартадан чанглатиб чиқилди. Бу қоришмани Тошкент давлат университети ҳузуридаги амалий физика институти «Магнетрон» комплекс ижодкор ёшлар коллективи ўйлаб топди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг фармони

МИЛИЦИЯ СТАРШИНАСИ О. С. АСҚАРОВ, МИЛИЦИЯ СТАРШИНАСИ М. Г. ҒАШИМОВ ВА МИЛИЦИЯ КАТТА ЛЕЙТЕНАНТИ М. С. МАТЧОНОВНИ ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қуролли жиноятчиларни қўлга туширишда чоғида мардлик ва фидокорлик кўрсатиб ҳалок бўлган қуйидагилар Қизил юлдуз ордени билан мукофотлансин:

Олимжон Солиевич **Асқаров** — милиция старшинаси.

Муса Гасан ўғли **Ғашимов** — милиция старшинаси.

Маткарим Саъдуллаевич **Матчонов** — милиция катта лейтенанти.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 17 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси бугун, 18 ноябрда, эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР ҚЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун, 18 ноябрда, эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.

СССР қонунлари лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг снёсий система ислоҳоти ҳақидаги резолюциясида бундай дейилади: «Қайта қуриш, мамлакатни революцион янгилаш, партия ва жамоат турмушини демократиялашнинг уч йили тажрибаси снёсий системани чуқур ислоҳ қилиш заруратини кун тартибига қўйди. Мамлакатимизда социалистик давлат ва ўз-ўзини бошқаришнинг негизи бўлган халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини таъминлаш снёсий системани ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи йўналишидир».

Матбуотда иккита муҳим ҳужжат — СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ва «СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақида» қонун лойиҳалари эълон қилинди. Уларни ҳам конференциянинг совет социалистик снёсий системасини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарорига асосан тайёрланган ҳужжат деб баҳолаш керак. Қуйида СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида тўхталмоқчимиз.

Қонун лойиҳасига кўра СССР Конституциясининг уч боб ва 50 моддасига янгиликлар киритилади. Жумладан, 12-бобнинг 6 та (89—94) моддаси тамомила янги таҳрирда бўлади. 13-бобнинг 95—102-моддаларига эса янги таҳрир ҳамда қўшимчалар киритилади.

Конституциянинг 12, 13 ва 15-боблардаги 33 моддаси янги таҳрирда берилиб, 68 та янги пунктлар қўшилган. Асосий қонунимизнинг 17 та моддасига ўзгартишлар киритилган.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти нимадан иборат? Улар аввало қайта қуриш шароитида социалистик демократия, ўз-ўзини бошқаришни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, давлатни бошқаришга оммаанинг кенг жалб этилишига эришиш, жамият снёсий системасини ва унинг ҳар бир таркибий қисми фаолиятини кучайтириш мақсадларини кўзда тутади.

Лойиҳадаги муҳим янгиликлар энг аввало бутун турмушимизни демократиялашга, ҳокимиятни халқ депутатлари Советларига қайтариб беришга, Советларни бошқа барча давлат муассасаларидан устун қилиб қўйишга қаратилганлиги диққатга сазовордир. Аслида гап халқнинг тўла ҳокимияти тўғрисида бормоқда.

95-моддада СССР Конституциясида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституцияларида белгилаб қўйилган нормаларга асосан СССР халқ депутатларининг, иттифоқдош ва автоном республикалар халқ депутатларининг учдан бир қисми жамоат ташкилотларидан — Коммунистик партия, касаба союзлари, кооператив ташкилотлар, ленинча Коммунистик Ёшлар Союзи, хотин-қизлар, уруш ва меҳнат ветеранлари, илмий ходимларнинг бирлашмалари, ижодий союзлар ҳамда қонунда белгилаб қўйилган тартибда тузилган, умумиттифоқ ёки республика органларига эга бўлган бошқа жамоат ташкилотларидан сайланиши кўрсатилган. Янги таҳрирдаги 109-моддада эса ана шу норма конкретлаштирилган.

Жамоат ташкилотларида СССРнинг олий ҳокимият органига 75 депутат сайлаш ҳуқуқи берилиши катта снёсий аҳамиятга эга. Бу эндиликда давлат бошқарувида жамоат ташкилотларининг снёсий-ҳуқуқий роли ошишига имкон беради. Конституцияга мутлақо янги 125-моддани киритиш кўзда тутилмоқда. Унга биноан СССР конституцион назорат комитети ўз ташаббуси билан ёки СССР халқ депутатлари съездининг топшириғига мувофиқ съезд кўриб чиқиши лозим бўлган СССР қонунлари лойиҳалари СССР Конституциясига мувофиқлиги; СССР Олий Совети ва унинг палаталари актларининг, шунингдек ана шу органлар актлари лойиҳаларининг СССР Конституциясига ва СССР халқ депутатлари съезди қабул қилган қонунларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларни СССР Олий Советига тақдим этади. Шунингдек, иттифоқдош республикаларнинг конституциялари ва қонунлари, СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг қарорлари СССР Конституцияси ва қонунларига мос бўлиши кузатиб борилади.

Демак, СССР конституцион назорат комитетининг ташкил этилиши давлат бошқарув ва жамоат ташкилотлари фаолиятида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

СССР Конституциясининг 15-бобига киритилган ўзгартишлар, қўшимчаларнинг аҳамияти тўғрисида сўз борар экан, давлат ҳокимиятининг олий органларига бағишланган баъзи моддаларни алоҳида кўрсатиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз. Жумладан, СССР давлат ҳокимиятининг олий органи СССР халқ депутатлари съезди эканлиги ҳақидаги 108-моддани олайлик. Унда СССР халқ депутатлари съездининг ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган ҳамма масалаларни кўриб чиқиш учун қабул этиш ва ҳал қилиш ҳуқуқи расмийлаштирилган. Фақат съездгина СССР Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар киритиш; СССРнинг состави масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш; иттифоқдош республикалар составида янги автоном республикалар, автоном областлар тузганлигини тасдиқлашдан тортиб СССР конституцион назорат комитетини сайлашгача ваколатга эгадир. Умумхалқ овоз бериши (референдуми) ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳам съезднинг ихтиёрида.

112-моддадаги «СССР Олий Совети ҳар йили СССР Олий Совети Президиуми томонидан навбатдаги — баҳорги ва кузги сессияларга, қонда тарқасида ҳар бири уч-тўрт ой муддатга чақирилади» деган жумлалар ҳам таҳрирбоп. Чунки аввало сессиянинг 3—4 ой давом этиши учун ҳеч қандай заурат йўқ, бундан ташқари бир йилда 6—8 ой вақтни бундай сарфлаш ўринсиз деб ҳисоблаймиз. Советларнинг 70 йилдан зиёд вақт давомидаги фаолиятларида бундай тажриба бўлмаган. Сессия учун 15—20 кун кифоя.

СССР конституцион комитети раиси ва халқ судьялари 10 йил муддатга сайланиши ҳам амалдаги Конституция ва қонунларга хилоф. Бунда 5 йиллик муддат мақбул.

Хуллас, мунозара, мулоҳаза давом этади. Зеро, ошкоралик ва демократия учун кураш бошланган бир вақтда мазкур муҳим ҳужжатлар юзасидан ҳар бир кишининг фикрини билиш, ҳисобга олишнинг снёсий аҳамияти ниҳоятда катта.

К. КОМИЛОВ,
юридик фанлар кандидати.

ДАВР ТАЛАБИ РУҲИДА

ХОНҚА РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Конференция зўр фаоллик, талабчанлик вазиятида ўтди. Нотиқлар кўпчиликни тўлқинлантираётган долзарб вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида дангал фикр юритишди.

— Ҳисобот даврида район партия ташкилоти сон жиҳатидан ўсиб, сифат жиҳатидан мустаҳкамланди, — деди докладчи, район партия комитетининг биринчи секретари Б. Жуманиёзов. — Меҳнат коллективларида тўртта бошланғич, 21 цех партия ташкилоти, 18 партия группаси тузилди. 200 нафарга яқин ишлаб чиқариш илғори КПСС аъзолигига қабул қилинди. Райком қоғозбозлик, мажлисбозликни тугатиш, омма билан алоқани мустаҳкамлашга қаратилган аниқ тадбирларни амалга ошираяпти.

Кейинги йилларда асосий тармоқ — пахтачиликда катта муваффақиятларга эришилди. Ўнлаб колхоз ва совхозларда мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Коммунист ва комсомоллар, халқ депутатлари ватанпарварлик ташаббусларининг бошловчилари бўлдилар. Хусусан, онлавий пудрат, комплекс механизациянинг жорий этилиши мақсадга эришишда муҳим роль ўйнади. Ишга ижодий ёндашиш, омилкорлик туфайли пахта етиштириладиган майдонлар 2,5 минг, озуқа экиладиган ерлар эса 3 минг гектар кенгайди. Давлатга пахта топширишда илдам қадамлар қўйилди. Рентабеллик ҳисобот даврида 45,9 процентга етказилди. Колхозчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи 2.118 сўмга тўғри келди.

1987 йилда «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан А. Абдуллаев, «Хоразм» колхозидан И. Мухторов, «Победа» колхозидан Б. Отажонов, Охунбобоев номли колхозидан С. Мавлонов бошлиқ звенолар илғор усул афзалликларини амалда намойиш этишди. Партия ташкилотлари уларнинг тажрибаларини кенг оммалаштирдилар. Ана шу мақсадда район газетасидан, кўргазмали агитация воситаларидан унумли фойдаланилди. Бу йилги мавсумда кўпгина бригада ва звенолар ҳосилдорликни гектарига 45—50 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар.

Район партия комитети деҳқонларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор бераяпти. Сўнгги уч йил мобайнида сиёсий ва иқтисодий ўқув самарадорлигига эришилмоқда. Аксарият хўжаликларда онлавий звенолар раҳбарларининг иқтисодий таълим курслари ташкил этилган бўлиб, уларда етакчи мутахассислар пудратнинг туб моҳиятини ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб бермоқдалар. Лўнда қилиб айтганда, хонқаликлар аҳоли зич районларда онлавий пудрат самара бермайди, деган фикрнинг пуч эканлигини исботладилар.

Докладчи ва музокараларда қатнашган нотиқлар райком, унинг бюроси КПСС XXVII съезди, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларига жавобан кадрларни танлаш, тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйишга биринчи даражали аҳамият бераётганлигини таъкидлашди. Муҳим ишда аксарият ўринларда ошкоралик, коллегиалликка эришилаяпти. Сўнгги йилларда 16 раҳбар, 190 дан зиёд ўрта звено етакчилари демократик асосда сайландилар.

Партия қуйи бўғинлари ва коммунистлар обрўсини, таъсирчанлигини оширишда жанговарлик кўрсатгичининг нафи катта бўлди. Синов даврида 631 КПСС аъзосига янгитдан партиявий топшириқлар берилди, 61 коммунист қолоқ участкаларга сафарбар этилди. Бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, райком бюроси мажлисларида ҳамда пленумларда раҳбар кадрлар ҳисоботини тинглаш, характеристикаларни тасдиқлаш одат тусига кирди. Советлар, касаба союз ва комсомол ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш юзасидан муайян ишлар қилинди.

Конференцияда таъкидланганидек, ҳисобот даврида қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, райком асосий эътиборни экономикага қаратиб, ғоявий-сиёсий, тарбиявий-ташкилий ишларни сусайтириб қўйди. Баъзи коллективларда турғунлик йиллари иллатларига қарши кураш кутилгандек бормади. Кимларнингдир фаолияти назоратдан четда бўлди. Масъулиятни унутган айрим раҳбар ва мутахассислар жиддий камчиликларга йўл қўйдилар. Оқибатда уч йил ичида 41 коммунист партия сафидан чиқарилди, 50 нафар КПСС аъзосига партиявий жазо берилди.

Райком қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилишда ҳам сусткашликка йўл қўймоқда. Масалан, 34-автотранспорт корхонаси, район суғориш тармоқлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш юзасидан бюро қарори бажарилмади. Маъмурият фаолиятини назорат қилувчи комиссиялар иши ҳам қониқарли эмас.

Район пахтачиликни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида ютуқларга эришаётган бўлишига қарамай, дон, сут, гўшт, полиз маҳсулотлари, мева ва бошқа неъматлар етиштиришдаги натижалар кўнгилдагидек эмас. «Хоразм», «Победа», «Ленинград», «Октябрь 40 йиллиги», Навоий номли, Карл Маркс номли колхозлар, Ал-Хоразмий номли совхозда чорвачиликдан зарар кўрилаяпти.

— Райкомнинг бўлим мудирлари ўз фаолиятларини секинлик билан қайта қураяптилар, — деди музокарада сўзга чиққан «Победа» колхози партия комитетининг секретари К. Ҳожиев. — Улар асосан йиғилишларда қатнашиб, у ёки бу масалани тайёрлашда бизга ёрдам беришади, холос. Ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган кишилар билан дилдан суҳбатлашиб, муаммоларни жойида ҳал этишга интилиш керак. Айниқса цех партия ташкилотлари секретарлари, партгруппаларнинг ташкилотчилари мададга муҳтож.

Конференцияда Хонқа шаҳар халқ маорифи бўлими партия ташкилотининг секретари Х. Қиличева район партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолиятини қаттиқ танқид қилди. Негаки, ҳанузгача маориф соҳасига етарли эътибор берилмаяпти. Мактаб ислоҳотини амалга оширишда ўзибўларчиликка йўл қўйилмоқда. Шунинг учун кўпгина билим ўчоқларида амалга оширилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Доимий ҳамда мавсумий болалар боғчаларидаги аҳвол ғоят ташвишли. Мактабларда ўқув қуроллари, боғчаларда эса зарур жиҳозлар етишмайди. Капитал ва жорий ремонт билан асосан педагогика коллективларининг ўзлари шуғулланишга мажбур бўлишаяпти. Оталиқ ёрдами номигагина ташкил этилган. Ёшларнинг физкультура ва спорт билан шуғулланишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратилмаган. Ўсмирлар ўртасида тартиббузарлик ҳоллари кўпайса кўпаяяптики, қамаймаяпти. Аҳолига савдо, медицина, маиший хизмат кўрсатишдек муҳим соҳаларда қайта қуриш нафаси сезилмаяпти. Таъминотдаги узилишлар, сунъий қийинчиликлар одамларни ҳақли равишда ранжитмоқда.

Райондаги дон маҳсулотлари комбинати директори О. Ўруновнинг конференция минбаридан айтган фикрлари кўпчилик эътиборини тортди. У таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, ўрта бўғин кадрларида мустақиллик, қатъиятлик, изчиллик етишмаяпти. РАПО раҳбарлари эса сийқа усулда ишлашмоқда. Комбинат вагонлар етишмаслиги оқибатида ўз маҳсулотларини вақтида жўната олмаяпти. Сансалорлик, ўзибўларчилик оқибатида қанчадан қанча ноз-неъмат нобуд бўлмоқда.

— Мен ҳам райком аъзосиман, — дея фикрини ифода этди анжуманда алоқа узели катта телефонистраси Л. Сувонова. — Аммо баъзи масалаларни ҳал этишда номигагина қатнашаман. Партияга қабул масаласида ҳамон камчиликлар учрамоқда.

Шубҳасиз, конференция танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Аммо баъзи ўринларда ошкоралик, демократия руҳи тўла ҳукмронлик қилмади. Биз анжумандан кейин Карл Маркс номли колхоз правлениесининг раиси Ж. Уллиев билан суҳбатлашдик.

— Негадир менга сўз беришмади, — афсус билан таъкидлади у. — Кўнглимда айтадиган гапларим кўп эди. Дейлик, баъзида бюро мажлислари, пленумлар шошма-шошарлик билан ўтказилади. Муҳим масалалар ҳал этилишига қарамай қамрови тор, дудмал қарорлар қабул қилинади. Буларнинг ҳаммаси сўз ва иш бирлигига эришишга салбий таъсир этмоқда. Шунингдек, ҳисобот докладида асосан хўжалик ишлари ҳақида гапирилди.

Ҳақиқат юзасидан айтганда раиснинг гапида жон бор. Кўпчилик коммунистлар эришилган ютуқлар ҳақида фахрланиб гапирдилар-у оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларда йўл қўйилаётган камчиликлар, расмиятчиликларни хас-пўшлаб ўтдилар.

Музокараларда қатнашган коммунистлар барча тармоқни жадал ривожлантириш, ҳар бир иш жойида уюшқоқлик, талабчанлик муҳитини мустаҳкам қарор топтиришга қаратилган қимматли таклифларни ўртага ташладилар. Район партия комитети уларни умумлаштириб, амалга оширишга қатъий киришмоғи лозим.

Ҳ. РАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Зокиржон Аҳмедов 30 йилдан буён Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида механизаторлик касбини ардоқлаб келмоқда. У айни кунларда ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгорлашда ҳам касбдошларига ўрнак кўрсатмоқда. Ҳар куни 8—9 гектар ерни сифатли ҳайдаяпти.
СУРАТДА: «Ҳурмат» ордени соҳиби, механизатор Зокиржон Аҳмедов.

П. ЭРГАШЕВ фотоси.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ТУЛА. Шчекино «Азот» бирлашмасида ғишт заводи ишга туширилди. Шундай қилиб бу ерда қурилиш материали танқислигига барҳам берилди. Бирлашмада қум ва шлакдан ғишт тайёрланмоқда. Кейинчалик эса қўшни иссиқлик электр станциясидан чиқариб ташланган кулдан ҳам фойдаланишмоқчи. Химиклар девор блоклари ишлаб чиқарувчи қурилмани фойдаланишга топширгач, ўзларини қурилиш материаллари билан тўла таъминлайдилар.

●

СУМГАИТ (Озарбайжон ССР). Сумгаит шаҳридаги барча универмаглар ва савдо марказларида ёш харидорларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида махсус бўлимлар ташкил этилди. Яқиндагина юзлаб оилалар кўчиб кирган янги микрорайонда ихтисослашган «Ёшлар учун товарлар» магазини ишлай бошлади. Мазкур магазин 30 ёшгача бўлган харидорларнинг эҳтиёжини ўрганиш маркази бўлиб қолади. Унинг ўзига хос яна бир хусусияти бор: янги магазин пештахталари ёнида ёшлар бригадаси харидорларга хизмат қилмоқда. Бригада истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг комсомол коллективлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузди.

●

ТАЛЛИН. Эстониядаги «Пандевере» агрофирмасининг сут маҳсулотлари тайёрловчи цехи истеъмолчиларни янги маҳсулот билан қувонтирди. Савдо шохобчаларига фирма пишлоғининг дастлабки туркуми жўнатилди. Пишлоқнинг бу янги навини тайёрлаш технологияси машҳур голланд пишлоғига яқиндир. Лекин ўзига хос таъми билан ундан ажралиб туради. Фирма савдо маркаси республикада ва ундан ташқарида тобора машҳур бўлмоқда. У бу йил 1800 тонна пишлоқ, шуниндек 800 минг банка гўшт консервалари, кўплаб бошқа маҳсулотларни тайёрлаб беради.

●

ФРУНЗЕ. «Россия» колхозининг собиқ қурувчиси Филипп Фёдорович Рошчупкин ва унинг рафиқаси ўз уйи билан видолашуви ҳам ғамгин, ҳам қувончли бўлди. Улар ва Қирғизистондаги Сретенка қишлоғидан яна қариб 20 пенсионер ветераннар уйига кўчиб ўтди. Хўжалик ўз маблағига меҳнат ветераннари учун кенг коттеж қурди. Бинонинг бутун планировкаси, мебеллари шу ерда истиқомат қилувчилар билан келишиб танланди. Энгельс номли колхоздагилар ҳам қўшниларига қараб ана шундай бино қуришга қарор қилишди. Республиканинг бошқа колхозларида ҳам шундай қурилишлар мўлжалланмоқда. (ТАСС).

ПРЕССАВТОКЛУБ · ГАИ

Ҳаракат хавфсизлиги нималарга боғлиқ?

АЯГАН КЎЗГА... ЧЎП ТУШМАЙДИ

Бугун ўткир муаммолардан бири ҳақида фикр юритмоқчимиз. Шу мавзуда ёзишга киришганимда йўл-транспорт бахтсиз ҳодисасида ҳалок бўлган икки танишимнинг қиёфаси кўз олдимга келди. Уларнинг қисмати жуда ўхшаш бўлганди: бири кечаси машинаси билан йўлнинг қатнов қисмига ташлаб кетилган, ҳеч қандай огоҳлантирувчи белгилари бўлмаган трактор прицепига борib урилди. Иккинчисининг ҳаётдан кўз юмишига ҳам шундай транспортдаги бурилишни билдирувчи орқа чироқлар ёнмаслиги сабаб бўлди. Қадрдонларнинг порлоқ хотираси юракни ўртайди. Шундай оғир кечинмалар билан Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги давлат автомобиль инспекцияси тайёрлаган маълумотномани кўздан кечирамиз. Унда 1988 йилнинг тўққиз ойида республикада 11.248 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилганлиги, 1.902 одам ҳалок бўлиб, 12 минг киши жароҳатланганлиги кўрсатилган. Қисқа муддатда деярли икки минг инсон умри хазон бўлганлигини, минглаб кишилар азоб чекканлигини, кўплари майиб-мажруҳ, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганлигини англаш қанчалик оғир! Бу — йўл-транспорт ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик, ҳайдовчилар ўртасида ички иликлик-бозликка қарши кураш амалий тадбирлар билан етарлича мустаҳкамланмаганлиги, жумладан автобазаларнинг кўпчилигида эрталабки медицина кўриги ташкил этилмаганлиги, техникавий жиҳатдан носоз машиналарнинг чиқарилишига йўл қўйдиган механиклар, автохўжалик мудирлари, қолаверса, ўша ташкилотлар бош инженерларининг жинояткорона лоқайдликлари ва бошқа жиддий нуқсонлар оқибатидир.

Йўл-транспорт ҳодисалари қанча-қанча кишилар тақдирига раҳна солиши билан бир қаторда халқ хўжалигигига катта моддий зарар етказмоқда. Буларнинг ҳаммаси жамоатчилик диққат-эътиборини шу муаммога қаратишни, транспорт билан боғлиқ фалокатлар мумкин қадар камайиши учун жиддий чоралар кўришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан республика ГАИси ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг «Прессавтоклуб» уюшмаси тузилганлиги мақсадга мувофиқ бўлди. Унинг аъзолари оммавий ахборот воситалари орқали йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишга даъват этилганлар.

Янги уюшманинг биринчи кенгайтирилган йиғилишида Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Тошкент областларида йўл-транспорт ҳодисалари 1988 йилнинг тўққиз ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўп бўлганлиги, қатор кўрсаткичлар ташвишли эканлиги айтилди. «Прессавтоклуб» аъзоси сифатида Қашқадарё областидаги аҳволни атрофлича ўрганишга, автоҳалокатлар кўп содир бўлаётганлигининг сабабларини таҳлил қилишга, ГАИ, автотранспорт корхоналари, колхоз ва совхозлар раҳбарлари, мутахассислари эътиборини шу соҳанинг долзарб муаммоларига қаратишга жазм этдик.

Халқимизда аяган кўзга чўп тушади, деган нақл бор. У болани тарбиялашда, чиниқтиришда ҳуда-беҳудага аяш яхши оқибатга олиб келмаслиги маъносида айтилган. Бу доно маъжозий фикрнинг даҳлсизлигини сақлаган ҳолда йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигига тадбиқ этсак, белгиланган тартиб-қоидаларга тўла амал қилинса, машинанинг техникавий ҳолати талабга жавоб берса, автоҳалокатлар ғоят кам бўлади, яъни аяган кўзга чўп тушмайди, дегимиз келади. Кўпдан-кўп тафсилотларни таҳлил қилиш, одамлар билан суҳбатлашиш, бевосита рейдларда қатнашиш жараёнида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш асосан икки омилга — ГАИ ходимларининг кўп қирралі фаолиятига ва автокорхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ўз транспортларининг техникавий ҳолатини белгиланганидек бўлишига эришишларига боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилдик. У ёки бу районда, областда автоҳалокатлар кўп содир бўлса, бутун айбни ГАИ зиммасига юклашдек бир ёқлама ёндашувга тез-тез дуч келамиз. Ваҳоланки, инспекция ўз фаолияти доирасидаги ишларни тўла-тўкис бажарса-ю, автобазалардан сархуш ҳайдовчилар йўлга чиқишларига мустаҳкам ғов қўйилмаса, бефарқ механиклар машинанинг соз ҳолатда бўлиши учун астойдил жон қойитмасалар ёки магистраллар ремонт қилинмай ойлаб, йиллаб ётса, кутилмаган натижага эришиб бўлмайди. Демак, халқимиз айтганидек, қарс икки қўлдан чиқиши керак. Келинг, шу мулоҳазаларни мисоллар, далиллар ёрдамида ифода этайлик.

1988 йилнинг тўққиз ойида Қашқадарё областида 728 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди, 152 одам ҳалок бўлди, 736 киши жароҳатланди. Дастлабки икки кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагидан анча кўп. Тўғри, қиёсланаётган вақтда транспорт, аҳоли, йўллар ва бошқа омиллар сезиларли даражада кўпайган. Шундай бўлса-да, автоҳалокатлар сони 8,3 процент кўпайганлиги ташвишли ҳол. Бухоро, Андижон, Наманган областларида бу кўрсаткич анча камайган бир шароитда Қашқадарёда ошиб кетганлиги масалага жиддий ёндашишга мажбур этади. Ҳар бир оқибат замирида уни келтириб чиқарган сабаблар бўлади. Хўш, Қашқа воҳасида автоҳалокатлар нима учун кўп рўй бераяпти?

Майхўрлик — йўл-транспорт ҳодисаларига олиб борувчи иллатлардан бири. Тўққиз ойда областда ГАИ ходимлари томонидан 1.942 ҳайдовчи маст ҳолда транспорт бошқараётганлиги қайд этилди. 61 шофёрнинг «отиб» олганлиги автофалокат билан тугаб, 10 одам ҳалок бўлди, 69 киши жароҳатланди. Шахсий автомашина эгаларини бу борада назорат қилиш анча мушкул, албатта. Лекин автокорхоналар, колхоз ва совхозларнинг ҳайдовчилари тегишли ходимлар томонидан текширилиши, медицина кўригидан ўтиши керак-ку, ахир?! Йилнинг ўтган даврида халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ишловчи шофёрлардан 450 дан зиёди кайф ҳолда транспорт бошқараётганда тўхатилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Шу ўринда областдаги йирик автокорхоналарнинг фақат 40 тасида эрталабки медицина кўриги ўтказилишини, шундай тадбир ҳайдовчилар ишдан қайтганларида адо этилмаслигини таъкидлаш зарур. Область агросаноат комитетига қарашли транспорти бўлган 155 хўжалик, ташкилот ва корхонанинг бирортасида медицина кўриги йўлга қўйилмаган. СССР Агросаноат давлат комитети ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бу борадаги қарори ҳанузгача бажарилмаяпти. Тўққиз ойда шу тармоқнинг 320 дан ортиқ ҳайдовчиси маст ҳолда транспорт бошқараётганда ГАИ томонидан тўхатитилганлиги сабабини шундан излаш керак. Ўз ҳисобида 8,5 минга автотранспорти бўлган область агросаноат комитетида ҳозиргача ҳаракат хавфсизлиги бўлинмаси ташкил этилмаганлиги ҳам бу масалага лоқайд муносабатда бўлинаётганлигини кўрсатади.

Уйингиздаги дазмол ёки соқол оладиган машинанинг бирон ерида озгина ишкал жойи бўлса, уни тузатмагунча ишлатмайсиз. Чунки носозлик бошқа ерининг ишдан чиқишига; ток уриш каби фалокатларга олиб бориши мумкин. Ҳар бир сариштa, мулоҳазали киши шундай фикр юритади. Лекин 1988 йилнинг тўққиз ойида Қашқадарё областидаги автокорхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларга тегишли 7.706 та транспорт техникавий жиҳатдан носоз ҳолда ишга чиқарилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Уларнинг 571 тасида тормоз, 304 тасида бошқарув системаси, 407 тасида эса ёритгичлар ишкал эди. Бирон-бир қисми бузуқ машинанинг кўчада юриши энг аввало ҳайдовчи, қолаверса, теварак-атрофдагилар учун катта хавф-хатар-ку, ахир. Носоз автомашиналар йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Фақатгина область агросаноат комитети хўжаликлари ва ташкилотларининг ҳайдовчилари бузуқ машиналар билан 47 та автофалокатни содир этдилар. Оқибатда 17 одам ҳаётдан кўз юмди, 35 киши жароҳатланди. Бу тармоқдаги транспорт тракторлари, прицепларнинг 80 процентида тормоз системалари, ёритиш ва огоҳлантириш белгилари йўқлигини, улар кўпгина техникавий нуқсонлар билан фойдаланилаётганлигини қайд этаркансан, даҳшатга тушасан киши. (Мақоламиз бошида айнан шундай прицеплар икки навқирон йигит ҳаётига зомин бўлганлигини таъкидлагандик). Афсуски, аччиқ сабоқлардан тегишли хулоса чиқарилмаяпти. ГАИ ходимлари область агросаноат комитетига тегишли транспортни техник кўрикдан ўтказганларида 2.134 та автомашинада турли нуқсонлар борлигини аниқладилар. Масалан, Яккабоғ районидаги «Партия XXIV съезди» колхозининг 23 машинасидан 11 таси носоз эканлиги маълум бўлди. Худди шундай манзарани «Каршистрой» ва область соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли автохўжаликларда ҳам кўриш мумкин. Биринчи ташкилотда 1.208 та, иккинчисида эса 312 та автомашинада турли техникавий камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Ўнлаб, юзлаб одамларнинг ҳаётига даҳлдор бўлган пассажир транспортининг носозлигини айтмайсизми? Қаршидаги 16-автобус паркининг текшириб кўрилган 82 машинасидан 36 тасида техникавий нуқсонлар борлигини қандай баҳолайсиз? Улар хавф-хатар туғдириши билан бирга ҳақли эътирозларни келтириб чиқараяпти. Йилнинг ўтган даврида носозлиги сабабли автобуслар 3.200 марта белгиланган вақтдан илгари паркка қайтиб кетди.

Мақсадимиз мисоллар келтириш, рақамларни қайд этишданги иборат эмас, балки бу иллатнинг илдизини кўрсатиш, унга болта уриш керак, деган фикрни илгари суришдир. Техникавий жиҳатдан носоз транспортнинг ишга чиқарилишига механиклар, автогараж мудирлари, қолаверса, бош инженерлар айбдордирлар. ГАИ ходимлари ўз ваколатлари доирасида уларни тегишлича жазолаяптилар. Жумладан, мансабдор шахслардан 385 нафарига жарима солинди. Текширишлар якунларига кўра автохўжаликлар раҳбарлари номига 223 та тавсиянома юборилди. Аҳволнинг сезилари ўзгармаётганлиги бу чоралар етарлича таъсир этмаётганлигини кўрсатаяпти. Хўш, иллатнинг илдизи қаерда? Транспортнинг носозлиги оқибатида автоҳалокат бўлган аксарият ҳолларда фақат ҳайдовчилар жазоланадилар, бутун масъулият уларнинг зиммасига тушади. Ваҳоланки, шундай вазият юзага келишига у билан бирга машинанинг техникавий ҳолати бевосита хизмат вазифаси ҳисобланадиган, шунинг учун маош оладиган механик, ҳаракат хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари, автоколонна бошлиғи ва бош инженерлар ҳам жавобгардирлар. Техниканинг носозлиги оқибатида содир этиладиган автоҳалокатларнинг баъзиларида одамлар ҳалок бўладилар. Шундай пайтда тергов органлари асосан ҳайдовчиларни жавобгарликка тортиш билан чекланадилар. Улар масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб бормайдилар, шундай носоз аҳволга нима сабаб бўлди, деган саволни кўндаланг қилиб қўймайдилар. Амалдаги қонунларимизга кўра эса транспортнинг техникавий жиҳатдан носозлиги учун шу соҳага мутасадди этилган мансабдор шахслар бевосита жавоб беришлари зарур. Ўзаро мулоқотларда суҳбатдошларим оғир оқибатлар билан тугаган автоҳалокатлар учун механик, бош инженер ва шу ишга жавобгар бошқа ходимлар жиддий жазоланганлигини, судланганлигини эслай олишмади. Улар лоқайдликлари, ўз вазифаларини тўла бажармаганликлари билан мансаб жиноятига йўл қўйишган. Лекин жазодан четда қолишган. Агар таъбир жоиз бўлса, худди шу маънода қўйидаги мулоҳазани билдириш мумкин: нуқсон, иллатни бутага қиёс этайлик, тергловчиларнинг фақат ҳайдовчиларни жазолашлари унинг шохларини, барглариди қайчилашдек гап. Касалнинг илдизига эса болта урилмаяпти. Бундай ҳолатда иллатдан фориғ бўлиш анча мушкул.

Шундай фикр юритишимга автобазада ишлаган давримда кўрган-кечирганларим ҳам туртки бераяпти. Автокорхоналарда кўпинча шундай тортишув бўлади: ҳайдовчи машинаси носоз эканлигини, ишга чиқолмаслигини, албатта тузатиш зарурлигини айтади. Ўша пайтда керакли эҳтиёт қисм бўлмайди ёки бошқа сабаб туфайли бошлиқлар уни қисташади: «Бугун бир амаллаб кел, планни орқага тортиб юборасан!» Шофёр кўнгли хижил ҳолда ишга чиқиб кетади. Ўша куни ҳеч қандай ҳодиса бўлмаслиги мумкин. Лекин кўза кунда эмас, кунида синади. Бузуқ машина билан йўлга чиқиш барибир панд беради.

Автоҳалокатларнинг сабабларидан яна бири йўлларнинг ёмон аҳволдалигидир. 1987 йилнинг 9 ойида магистралларнинг қониқарсиз ҳолатдалиги туфайли бешта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганди. 1988 йилнинг уч кварталида эса уларнинг сони 40 тага етди. Область йўл қуриш ва фойдаланиш бошқармаси, Китобдаги шу юмуш билан шуғулланувчи ташкилот раҳбарлари асосан катта фойда келтирадиган пудрат ишларига зўр бериб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган тадбирларга яхши эътибор бермаяптилар. Ҳозирги пайтда область магистралларида 7.692 та йўл белгилари, 7.690 та огоҳлантиргичлар, 128 минг погонометр тўсқичлар етишмайди, 469 километр йўлкалар барпо этилиши керак. Носозлиги ҳолатлар учун йўлсозлардан, уларнинг раҳбарларидан ҳам қатъий сўраш, талабчанликни ошириш зарур.

Болалар автоҳалокатлар қурбони бўлаётганлигини қайд қилиш қанчалик оғир. Областда йил бошидан бери 219 та шундай йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Уларда 43 бола нобуд бўлиб, 184 кичкинтой ва ўсмир жароҳатланди. Бу фожиаларнинг анчагина қисми мактаб ўқувчилари билан рўй берди. Область, район халқ маорифи бўлимлари, мактабларнинг маъмуриятлари, ўқитувчилар йўл ҳаракати қоидаларини болаларга ўргатишга яхши эътибор бермаётганликлари сабабли шундай бўлаяпти. Ҳатто айрим жойларда кўзбўямачилик қилишга бориб етишмоқда. Масалан, Шаҳрисабз районидаги 20-мактабда синф журналига йўл ҳаракати қоидалари ўргатилди деб қайд этилган. Ваҳоланки, ўша кунларда ўқувчилар каникулда бўлишган. Ғузор районидаги 1-, Қаршидаги 10-мактабларда ҳам шундай ҳолатлар аниқланди.

Область ГАИсига қарашли йўл белгилари, светофорлар ва бошқа қурилмалар билан шуғулланадиган, ҳаракатни тартибга солиб турадиган бўлинмага бир неча йиллардан бери зарур моддий-техника ресурслари ажратилмаётганлиги ҳам жиддий муаммолардан биридир. Бу участкада элликдан зиёд киши ишлайди. Лекин ёнилғи-сурков материаллари, металл, бўёқ йўқлиги сабабли улар ўз вазифаларини тўлатўкис бажараолмаяптилар, тўққизта махсус автотранспортдан, иккита трактор ва битта компрессордан фойдаланилмаяпти. Шу хусусда **кейинги икки йилда** Қашқадарё область ижроия комитетига беш марта расмий **хат билан** мурожаат қилинди. Лекин ҳалигача муаммо ҳал этилмади. Ваҳоланки, республика Министрлар Советининг қарорига кўра юқорида тилга олинган ресурсларни ГАИга область ижроия комитети ажратиши керак.

Область автотрести, халқ маорифи бўлими, агросаноат комитети ўзаро ҳамкорликда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва техникани сақлаш бўйича ўтказишган ишлар комплекси ҳам анча яхши самара берди. Йўл-транспорт ҳодисалари Косон районида 10 процент, Деҳқонободда 38 процент камайди. Шуларни таъкидлаган ҳолда областда бу борадаги аҳвол яхши эмаслигини айтиш зарур. Область ГАИси пропаганда ва агитация бўлимининг инспектори, милиция лейтенанти Нормурод Мейлиев билан автокорхоналарда, магистралларда бўлганимизда кўпгина жиддий камчиликларга дуч келдик. Биргина мисол келтириш билан чекланамиз. У ғоят кенг тарқалган нуқсон — трактор прицеплари билан алоқадор. Бу масалага урғу берилаётганлиги бежиз эмас. Республикамизда пахта йиғим-терими даврида автоҳалокатларнинг анчагина қисми транспортнинг шу турига тўғри келади. Чунки хом ашё асосан тунда ташилади. Прицепларнинг эса чироқлари, огоҳлантирувчи белгилари йўқ, кўп қисми носоз. ГАИ ходими Н. Мейлиев тўхтатган трактор Қарши районидаги «Ленин йўли» совхозига қарашли экан. Уни Ўсар Остонов бошқариб бораётганди. Ёнида қоидага хилоф равишда юкчи Эшмат Эшмонов кетаётибди. Улар тайёрлов пунктига пахта олиб боришаётганди. Ҳайдовчининг гувоҳномаси йўқ. Ўйида қолганмиш. Прицепда на тормоз системаси, на чироқ, на огоҳлантирувчи белги бор. Тракторнинг ўнгга ёки чапга бурилишини кўрсатувчи чироғи ҳам ёнмайди. Совхоз машина-трактор парки механиги Поён Алимардонов эса лоқайдлик билан транспортнинг ишга чиқишига йўл қўйган. Ана шундай муросасозликлар, эътиборсизликлар автоҳалокатларга олиб боради.

Инсонни гулга қиёслайдилар. Қудратли техника шундай гўзалликни поймол этишини, кучли зарба уни сўндиришини англаш ҳар бир кишининг онгини жунбушга келтиради. Ушбу мақолани ниҳоялаяпману биргина областда тўққиз ойда автоҳалокатларда қурбон бўлган қариб икки минг одамнинг тўсатдан тўхтаб қолган умри ҳақида ўйлайман. Ҳозирги шиддаткор даврда бундай нохуш ҳолатларни бутунлай бартараф этиб бўлмайди, албатта. Лекин мумкин қадар камайтириш, автоҳалокатларнинг сабабларини аниқлаб, уларга қарши изчил кураш олиб бориш зарур. Ҳар бир жабҳада ҳаракат хавфсизлиги талабларига амал қилинса, яъни кўз аялса, унга ҳудабеҳудага чўп тушмаслиги ҳақида юқорида фикр юритилди. Бу масала хусусида мушоҳада қиларканмиз, кўнгилни бир инсоний туйғу қамраб олди: «Ҳайдовчилар, автохўжаликнинг механиклари, бош инженерлари, ГАИ ходимлари, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча кишилар ҳамиша қатъий талабчанлик билан ўзларига шундай савол берсалар: эътиборсизлигим, кўнгилчанлигим, лоқайдлигим автоҳалокатга олиб бормайдими? Носоз машина ҳар қадамда панд беради, не-не орзулар билан яшаётган бирон кишининг ҳаётига зомин бўлади, оиласига раҳна солади. Ёки уни бир умрга майиб-мажруҳ қилиб қўяди, ахир? Наҳотки, кўра-била туриб шунга йўл қўяман?» Бундай туйғу бошқалар қалбини ҳам эгаллашига умид боғлаган ҳолда мақолага нуқта қўйдим.

О. САИДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТДА: область ГАИ ходими Нормурод Мейлиев Қарши районидаги «Ленин йўли» совхози тракторчиси Ўсар Остоновдан носоз техника, чироқлари ва огоҳлантириш воситалари бўлмаган прицеп билан ишга чиқаётганлигининг сабабларини сўраб-суриштирмоқда.

М. КОМИЛОВ фотоси.

ФАРҒОНА—ТУПРОҒИДА БИТГАЙ АСЛ ДУРДОНА

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИЛАР. БУНГА ҚАЙСИ ОМИЛЛАР ҲИСОБИГА ЭРИШИЛДИ?

БЕКАТДАГИ СУҲБАТ

Ишдан чиқиб, Тошкентнинг фахри — курант ёнидаги бекатда 60-автобусни кутиб турардим. Икки ёш йигитнинг суҳбати ногоҳ қулоғимга чалинди.

— Фарғоналиклар ҳам пахта планини бажаришибди, эшитдингизми? Табриклайман! — деди улардан бири ниҳоятда самимий оҳангда.

Шериги афтидан ўша областлик талаба бўлса керак, бундай лутфдан қувонганини яширолмади — юзига қизиллик югуриб, кўзлари чақнаб кетди:

— Раҳмат! Дадамни биласизку, бригадир, қутлаш учун марказий телеграфга кетаяпман.

Орага мошгурунч соқолли, духоба дўппили киши қўшилди.

— Фарғона— олтин дурдона деб бежиз айтишмаган. Бу йил қанча пахта топширибди жўмардлар? — сўради у.

— 530 минг тонна.

— Арзийди! — мўйсафид ўнг қўли билан ҳавони чўрт кесди. —Исфарамсойни ўн уч кунда, Катта Фарғона каналини эса бир кам эллик кун деганда қуриб, дала-ю даштларга оби ҳаёт келтирган марду майдонларнинг авлодлари яшайди у ерда, ахир! Улар учун пахтакорлик касбгина эмас, балки шоир айтганидек, боболардан қолган табаррук мерос, муқаддас эътиқод, завқ ва захмат тўла тақдир, бахтли қисмат ва истиқбол. Мен Фарғонада ишлаганман, етти ёшдан етмиш ёшгача ўзини сенсираса ҳам пахтани сизлайдиганларни кўрганман, болаларим.

У айни ҳақиқатни тилга олган эди.

...Уч-тўрт йил муқаддам, май ойида мен самарқандлик ҳамкасбим билан Киров районига, Бешариққа командировкага боргандим. Область минтақаси шу район пайкалларидан бошланади.

— Яна неча соат юрамиз? — сўради ҳамроҳим поезд Гулистонга етганда. Унинг Фарғонага, умуман водийга биринчи марта сафарга чиқиши эди.

— Тез юрса, олти соат. Бемалол ухлайверинг, ўзим уйғотаман, — дедим тинчлантириб.

Бироқ бу олижаноб вазифани унинг ўзи бажаришига тўғри келди. Эринибгина ўрнимдан туриб, кўзларимни уқалаб қарасам, аллақачон кийниб олибди. Ранги ўчган, нигоҳи безовта.

Қувваи муҳофазам янглишмаса, Конибодомдан эндигина ўтдик. Манзилга тағин йигирма беш чақирим бор.

— Нима гап?

— Ташқарига қаранг...

Аввалига йўлдошимнинг сўзига ҳам, имосига ҳам тушунмадим. Чунки ҳали тонг отмаган, ҳеч нарса кўринмас эди.

— Жа қулоқданам берган экан-ку, эшитмаяпсизми! — бу гал чинакамига жаҳл билан тўнғиллади у.

Ташқарида нимадир чийиллайди, ғувиллайди, томдан ўрмалаб вишиллайди, эшик ва деразаларга бош уриб уф тортади...

Хохолаб кулиб юборишимга бир баҳя қолди: ўзимни базўр тутиб олдим. Бу атоқли санъаткор Абдулла Қаҳҳор «Даҳшат» ҳикоясида қойилмақом этиб таърифлаган манзаранинг ўзгинаси, яъни менга болаликдан таниш шамол эди. Дўстим эса секундига 36 — 40 метргача эсадиган Қўқон шамоли хусусида ўз ҳикояларида эслатган бўлса-да, ҳақиқийси билан илк бор рўбарў турарди.

— Унинг нағмасини поезддан тушгандан сўнг кўрасиз, — дедим. — Айтгандай, шляпани қўлга олишни унутманг. Мавлоно Муқимийнинг шеъри эсингиздами:

Гангитиб тортар этакдан ҳар тараф,
Қилғай одамни чўлоғу ланг шамол.
Ип билан тортиб иякдан қўймасанг,
Қочгай олиб дўппию салланг шамол.

Мана, ниҳоят, Рапқон станциясига ҳам етиб келдик. Шамол мўр-малахдай эсаяпти, ҳеч қандай тўсиқни писанд этмайди: дароз мирзатераклар келинчакдай салом беришади. У гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай пихиллар, вағиллар, чанг-тўзондан еру осмон бамисоли туташиб кетгандек туюларди.

Райкомда «табиат қароқчиси» шу куни юзлаб гектар пахта, макка ва сабзавот майдонларининг устки қатлами тупроғини совуриб кетганлигини, боғ ва токзорларга қирон келтирганини эшитдик. Айниқса «СССР 60 йиллиги» совхозининг Неъмат Турдиматов бошқарувчи бўлган «Қаҳрамон» бўлимидаги аҳвол ачинарли эди. Мавжуд 500 гектар ерда яқинда чинбарг чиқарган ниҳоллардан асар қолмаганди.

— Энди нима қиласизлар? — сўрадик.

—Чигитни қайта экамиз, —у шундай деб орқага ўгирилдию пиқиллаб йиғлаб юборди.

Кап-катта одамнинг ҳозирги ҳолати кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Аммо Неъмат ака асл деҳқон (27 йилдан бери коллективга раҳбарлик қилади), бояги тошкентлик отахоннинг таъбирича, унга пахтакорлик касбгина эмас, балки бобосидан қолган табаррук мерос, муқаддас эътиқод, завқ ва захмат тўла тақдир, бахтли қисмат ва истиқбол эди.

Суҳбатга совхоз директори Турдиали Эркабоев қўшилди.

— Ҳар йили аҳвол шу: ерга уруғни икки-уч, ҳатто тўрт марталаб қадаймиз, — деди у. — Гоҳида шамол ҳафталаб эсади. Совхозимиз унинг нақ уясида жойлашган.

— Планнинг бажарилиши қандай бўлади?

— Мўлжалдагини йилига олиб келаяпмиз, — директор нимадир эсига тушгандек бироз жим қолди, сўнгра алоҳида урғу билан таъкидлади: — ҳалол, зўр меҳнат эвазига!...

Бекатдаги суҳбат баҳона шу нохуш воқеа хаёлимда жонланди. Аслида бу — муддаонинг дебочаси.

ШАМОЛЛАР БИЛАН ОЛИШИБ

Қўқон атрофи районларига Киров, Ўзбекистон, Фрунзе, Ленинград ва Бувайда киради. Дастлабки учтаси айниқса шамолдан азият чекади, яъни уларнинг қишлоқ хўжалиги ҳар йили сезиларли даражада зарар кўради. Шамол туфайли юзага келадиган чанг-тўзон, шовқин инсон саломатлигига салбий таъсир этиши ҳам маълум.

Ҳақли савол туғилади: табиатнинг бу нотанглиги таъсири ва тупроқ эрозиясига қарши курашнинг қудратли воситаси борми?

— Бор, — дейди Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги, ер илмининг зукко билимдони Мирзаали Муҳаммаджонов. — Бу иқота ўрмонзорларидир. Агар улар илмий асосда, тўғри барпо этилса, яъни дарахтлар зич ёки оралатиб эмас, балки уқасимон, паст-баланд экилса, шамолнинг кучи кескин қирқилади. Бу —биринчиси. Иккинчиси шуки, иқотазорлар ёз кунлари ҳавони тозалайди, унинг нисбий намлигини орттириб ҳароратни 2,9—3,5 даража пасайтиради, айни пайтда ер ости сувлари кўтарилишининг олдини олади, заминнинг захланишига йўл қўймайди. Буларнинг ҳаммаси экиннинг соғлом ўсишини таъминлайди, хом ашё етилишини тезлаштирадики, пировардида ҳосилдорлик 20 — 25 процент ошади. Бундан ташқари, ўрмонзорлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бойитади, аҳолининг қурилиш материалига бўлган эҳтиёжини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мана сизга самара! Бироқ мазкур регионда бу борадаги аҳвол қандай?

1986 йилнинг мартида Тошкентда ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» программаси бўйича Ўзбекистон ССР миллий комитетида семинар бўлиб ўтди. Унда олимлар ва мутахассислар суғориладиган зоналарда иқота ўрмонзорларининг улуши масаласини муҳокама этиб, кучли шамол эсадиган Қўқон атрофи районларида 8—10 процент майдон иқотазорларга ажратилиши зарур деган хулосага келдилар. Бу кўрсаткич ўша давргача, масалан, Киров районида 3,6 процентни ташкил этарди. Бошқача айтганда, мавжуд 33.514 гектар ернинг атиги 1.308 гектари иқотазор эди.

— Сабаби, — дейди район партия комитети биринчи секретари, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Насимбек Раҳимов, — собиқ раҳбарлар пахта монокультураси кетидан қувишлари оқибатида 1980 — 1982 йилларда Новқат билан Рапқон оралиғидаги 27 қаторли 200 гектар иқотазор асоссиз йўқ қилинди. Кейинчалик ҳам бу соҳада силжиш бўлмади. Фақат 1986 йилдан бошлаб янги яшил тўсиқлар барпо этишга киришилди. Хусусан шу йили 573 минг туп тут, 97 минг туп мевали ҳамда 3 миллион 258 минг дона манзарали (асосан терак ва тол) ниҳоли ўтқазилди. Иқотазорлар майдони 2.279 гектарга кенгайди. Бунга яна 1990 йилгача 1.608 гектар қўшилади. Ушанда иқотазорлар жами майдоннинг 8 процентидан эндини ташкил этади. Бу масала эътиборимизда турибди. Шу билан бирга алмашлаб экишни тўла жорий этиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув шохобчаларини тартибга келтириш каби ғоят муҳим юмушлар ҳам изчил рўёбга чиқарилмоқда.

Бу тадбирларнинг самараси шу бўлдики, район аршунослари жорий йилда пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари — 3 ноябрда ошириб бажаришди. Ватан хирмонига 22.013 гектар майдондан 61.600 тоннадан зиёд оқ олтин тортиқ этилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 28 центнерга етди. Эришилган ютуққа маррани барвақт эгаллаган «Октябрь 40 йиллиги», «Бешариқ», Киров номли совхозлар, шунингдек, «СССР 60 йиллиги», «Партия XX съезди», «Москва» ва «Искра» хўжаликлари катта ҳисса қўшдилар.

«Октябрь 40 йиллиги» совхози деҳқонлари районда биринчи бўлиб 19 октябрдаёқ зафар кучишганди. Улар ҳамон пешқадамлик қилмоқдалар.

— Хўжалик ташкил этилганига 30 йил тўлган бўлса, карвонбошилик қилиш унга илк марта насиб этди, — дейди совхоз директори Ғанижон Раҳимов мамнуният билан. — Ҳозирга қадар қабул пунктларига 4.300 гектар ердан 10.970 тонна ўрнига 12.500 тонна юқори сифатли хом ашё етказиб берилди. Бу эса белгиланганидан 1.530 тонна кўп.

Суҳбатдошимиз меҳнат муваффақиятига салмоқли улуш қўшган «Ўзбекистон», «Париж Коммунаси», «Намуна», Энгельс номли бўлимларни, А. Қодиров, М. Қодирова, Ҳ. Хўжамуродов, Ғ. Турғунов, С. Дўстматов, С. Алиматова ва С. Нурматова бошлиқ бригадалар номини алоҳида тилга олди. Мазкур коллективларда ҳар гектар ердан 35—38 центнердан хирмон кўтарилди. Гарчи бу рекорд бўлмаса-да, районда энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

«СССР 60 йиллиги» совхозида бўлганимизда эски танишимиз — бўлим бошқарувчиси Неъмат Турдиматовни суриштирдим. У ҳамон сафда экан.

— Неъмат аканинг иши беш, — деди совхоз партия комитети секретари Шавкат Исматуллаев. — Топшириқни аллақачон уддалаган. Бугунгача 500 гектар майдондан гектар ҳисобига 25 центнердан, жами 1.250 тонна пахта йиғиштириб олинди. Ялпи ҳосилнинг 90 фоизи юқори навларга сотилди.

Неъмат Турдиматовни дала бошида учратдик.

— Ўша йили натижа қандай бўлди? — унга биринчи учрашувимизни эслатдим.

— Қийинчилик билан бўлса-да, планни бажардик, — деди у. — Умуман деҳқон учун осон йил бўлганми? Жорий йилни олайлик. Иқотазорлар кўпайиб шамолнинг йўли бироз тўсилди десак, 28 июнда, айни саратонда дўл ёғса бўладими! Ёнғоқдек-ёнғоқдек келадиган муз парчаси тушди ўзиям. Бир зумда кўсак, гул ва шоналарни кўз ўнгимда чирт-чирт узиб ташлади. Шунга қарамасдан нафақат планни, ҳатто мажбуриятни ҳам уддаладик. Давлатга топширилган 1.250 тонна (бу фақат бизники) хом ашё замирида, билсангиз, пахтакорнинг мисли кўрилмаган меҳнати, уйқусиз тунлари мужассам. У чигитни пахтага айлантиргунча йил — ўн икки ой, хоҳ қаҳратон қиш, хоҳ жазирама иссиқ бўлсин, дала бошидан кетолмайди. Шу даврда 132 та меҳнат турини қойилмақом этиб бажариши лозим. Бирортаси қўл учида қилинса, кўзлаган ҳосилини ололмайди. Уни саранжомлаш жараёни-чи? Чанокдаги пахтанинг салмоғи бор-йўғи тўрт грамм. Теримчи ҳар куни ўртача 80 кило ва ундан кўп оқ олтин теради. Бунинг учун у 20.000 марта ерга эгилиб туриши керак. Бундай заҳматга унинг соҳибидан бошқа одам бардош беролмайди. Устига устак, бизда ернинг шўри йилига 3—4 марталаб ювилади. Бу — ортиқча харажат дегани. Лекин ана шу юмуш бажарилмайдиган хўжаликлар каби биз ҳам пировардида бир килограмм хом ашёни атиги 60 тийиндан сотяпмиз. Шу адолатданми? Менимча, пахта харид нархини қайта кўриб чиқиш масаласи пишиб етилди. Бунда албатта ҳам иқлим, ҳам тупроқ шароити ҳисобга олиниши зарур.

Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги арафасида Киров райони қишлоқ хўжалиги ходимларининг йиғини бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ялпи ҳосилни 66 минг тоннага етказишга қарор қилдилар. Бу эзгу ният ҳам яқин кунларда ушалади.

Шуниси қувончлики, иқотазорлар ва ўрмонзорларни барпо этиб, тупроқ эрозиясига қарши изчил курашаётган Ўзбекистон, Фрунзе, Бувайда ва Ленинград районлари пахтакорлари ҳам бир неча кундан буён мажбурият ҳисобига оқ олтин топшириқдалар. Аммо қўлга киритилган ютуқларнинг омиллари фақат шулардангина иборат эмас.

Киров районидаги Киров номли совхознинг граммчилар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Юзлаб шувда Нуринисо Муллажоновага ҳеч ким тенг олтин терди.

СУРАТДА: пешқадам теримчи Нуринисо Муллажонова.

Коммунист Абдуқодир Жумабоевни Риштон районидаги «Риштон» совхозида каттаю кичик ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. У 31 йилдан буён бригадага бошчилик қилмоқда. Меҳнат аҳли жорий йилда 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтарди. Топшириқ зиёдаси билан уддаланди.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Абдуқодир Жумаboев (чапда) ва мавсумда пўлат этакдан 150 тонна пахта тўккан суворий Холматжон Норматов.

БИРИНЧИ БЎЛИШ ҲУҚУҚИ

Ленинград районидаги Энгельс номли колхозда 7 октябрь қўш байрам — СССР Конституцияси ва план бажарилган кун сифатида нишонланди. Ҳар йили мазкур хўжалик аҳли билан баробар рапорт берадиган Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхози, Киров районидаги «Москва» колхози заршунослари бу гап «рақиб»ларининг ишбилармонлигига, собитқадамлигига деҳқончасига тан беришди: областда биринчими, ичган оши ҳалол бўлсин!

Энгельсликлар ўша шодиёна оқшомда ажойиб деҳқон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, тўртта Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени соҳиби Мирзаахмад Деҳқоновнинг порлоқ хотирасини яна бир бор ҳурмат-эҳтиром билан эсга солдилар. У бутун умрини колхоз тараққиётига, одамларнинг фаровонлиги йўлига бағишлади, ўзидан кўра истиқбол ташвишини кўпроқ ўйлади.

— Хўжалигимиз шаҳарнинг биқинида. Колхозчилар саноат корхоналардаги аҳволни яхши биладилар. Инчунин турмушимиз, яшаш тарзимиз ишчиларникидан қолишмаслиги керак, — дерди у.

Бу борада, айтиш мумкинки, мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди: пахта ҳосилдорлиги ошди, экономика мустаҳкамланди, бунинг эвазига шаҳар билан баҳслаша оладиган турар жой посёлкаси, мактаблар, боғчалар, маданий-маиший хизмат объектлари бунёд этилди, равон йўллар қурилди. Муҳими, деҳқон меҳнатига яраша рағбатлантирилди. Шу боисдан ҳеч ким шаҳарга учмади, қадрдон жойнинг ғуллаб-яшнаши пайида бўлди.

Табаррук инсон вафот этгач, унинг шогирдларидан бири — олий маълумотли агроном, район партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Баҳром Эргашев правление раиси этиб сайланди. У устоз ишини дадил давом эттираяпти. Яъни колхозда иш услубини такомиллаштириш, ташаббускорлик томон бурилиш, одамларга нисбатан талабчанликни уларга ғамхўрлик кўрсатиш билан қўшиб олиб борилмоқда.

— Раҳбарни фақат гектарлар ва центнерларгина эмас, биринчи навбатда одамларнинг талаб-эҳтиёжлари, фикр-мулоҳазалари қизиқтириши керак, — дейди Баҳром Эргашев. — Шундагина улар сенга ишонишади. Ишонч ва ҳамжиҳатлик бор жойда иш маромида кетади, ютуқлар ўз-ўзидан соҳибини излаб келаверади. Мирзаахмад ака фаолиятининг негизи шу асосга қурилганди. Шунинг учун колхоз ҳамиша пешқадамлар сафида бўлган. Биз ҳам шунга интилаяпмиз.

Чиндан ҳам хўжаликда сурункасига уч йилдан буён топшириқ зиёдаси билан уддаланмоқда. Жорий йилда гектар ҳосилига қарийб 40 центнердан хом ашё олинди. Область партия комитети аъзоси Маҳбуба Насриддинова, Мамадали Қўлдошев, Йўлдош Ҳакимов, Исмоил Отажонов, Жамолиддин Камолов, Ортиқбой Худойқулов бошлиқ ва бошқа бригадаларда ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Энди даромад ҳам шунга яраша бўлади.

— Колхозчининг ризқи далада, — сўзида давом этади раис.— Агар у ўз куч-ғайратининг пировард мақсадини аниқ-равшан кўриб турса, меҳнат ва унга тўланадиган ҳақ ўртасида бевосита боғланиш борлигини тушунса, ютуқлар салмоғи юқори бўлишига ишончи ортади. Буни пудрат мисолида яққол кўрдик. Бошқа мисол ҳам бор. Хўжаликда асосан уруғлик пахта етиштирилади. У фақат қўлда териб олиниши керак. Демак, ишчи кучи кўп талаб қилинади. Бу йил пахтанинг ҳар килограммига 15 тийиндан ҳақ тўлангач, ана шу муаммо ўз-ўзидан ҳал этилди. Ялпи ҳосилни ҳашарчиларсиз, ўз кучимиз билан барвақт йиғиштириб олдик. Бундан икки томонлама наф кўрилди: колхозчилар мўмайгина пул ишлаб олган бўлсалар, колхозга мўл, арзон, сифатли оқ олтин тегди. Мурод шуки, хом ашё етиштириш ва харид қилишдаги номутаносибликка тезроқ барҳам берилса, деҳқон меҳнат деганининг этагидан янада маҳкамроқ тутади, гектар ҳосилдорлиги, бинобарин ялпи маҳсулот салмоғи кўпаяверади.

ДЕҲҚОН НИЯТИ

Мамажон Маҳкамов 30 йил далада ишлаб, ойига 100 сўмдан маош олганлигини эсполмайди. Бу йил оила пудрати шарофати туфайли кун туғди: ойлиги 300 сўмдан тушди. 10 гектар ердан гектар ҳисобига 22 центнер ўрнига 43 центнердан хирмон кўтарилди.

Мамажон Маҳкамовга ўхшаб чўмичи мойга тўлганларни нафақат «Октябрь 40 йиллиги» совхозида, бошқа хўжаликларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, Киров районида 172, Ўзбекистон районида 558 та оилавий звено фаолият кўрсатди. Бу ҳол областда меҳнатни ғоятириш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулларини жорий этишга муносабат сезиларли ўзгарганлигини кўрсатади.

— Биз мавжуд майдондан 820 тоннадан зиёд пахта олиб, зиммадаги мажбуриятни ҳам шараф билан бажардик, — дейди Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхози «Комсомол» бўлимининг бошқарувчиси М. Ҳакимов. — Ҳаммаси биринчи ва иккинчи сортларга топширилди. Бунақаси аввалари ҳеч қачон бўлмаган. Оила пудратини ўйлаб топганга минг раҳмат! 46 та звенонинг бариси сидқидилдан меҳнат қилди. Айниқса Дадахон Ҳамидов ва Шоҳистахон Хўжаева бошлиқ коллективлар эришган ғалаба қувончли. Биринчисида 5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнер ўрнига 34 центнердан ҳосил олинди, иккинчисида эса шунча пайкалдан 16,5 тонна, белгилангандан 2 тонна кўп хом ашё тайёрланди.

Вилоят Раҳмонова эрта баҳорда шартнома асосида Ғафур Ғулом номли колхоздан 8 гектар ер олганди. Унга отаси, сингиллари ёрдамлашдилар. Чигит эрта экилди, уруғ ернинг ўз намида ундириб олинди, ғўза қатор ораларига ишлов беришда агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинди. Натижада жами майдонда мўлжалдагидан кўп ҳосил тўпланди. Биринчи сентябрдан бошлаб эса теримга тушилди.

Шунда бригада бошлиғи:

— Ҳашарчилар керакми? — деб сўради. Чунки коллективда уруғлик пахта етиштирилган эди.

Қараса, бир тонна хом ашёга 100 сўм, ўн тоннасига 1.000 сўм кетади. Оила аъзолари маслаҳатлашиб, «Ўзимиз териб оламиз» деган яқдил фикрга келишди. Якунда 21,4 тонна ўрнига 28,5 тонна оқ олтин саранжомландики, шунинг эвазига 2.850 сўм ёнда қолди.

Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхози «Париж Коммунаси» ва «Ўзбекистон» бўлимларининг Инобат Алиева, Худойберди Саломов, «Бешариқ» совхозининг Моҳира Исмоилова бошлиқ ва бошқа кўплаб оилавий звеноларда ҳам гектар ҳосилдорлиги 30 — 35 центнерни ташкил этди.

Бироқ бригада, оила ва ижара пудратини жорий этишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Айрим хўжаликларда шартномани бузиш ҳоллари рўй бераяпти. Ерни тақсимлашда унинг унумдорлик даражаси, қаерда жойлашгани ҳар доим ҳам эътиборга олинмаётир. Ижарачилар сифатсиз уруғлик билан таъминланганини тасдиқловчи далиллар бор. Раҳбарлар эса аҳволни ўнглаш ўрнига қуруқ ваъда бериш билан овора. Буларнинг ҳаммаси янги усулнинг кенг оммалашувига тўғаноқ бўлмоқда. Бу ҳакда ҳозирданоқ бош қотиришга тўғри келади.

МАШИНАГА ТАЯНГАНДА...

Жданов номли совхоз йиғим-теримда Фрунзе районида байрақдорлик қилмоқда. Миришкорлар ҳозирга қадар пландагидан 1.000 тоннадан кўп оқ олтин йиғиштириб олдилар. Совхоз директори Абдуқаҳҳор Ниёзовнинг айтишича, ишда машиналарга таянилгани, талабчанлик ва ғамхўрлик қўшиб олиб борилгани ютуқларга омил бағишлаяпти. Ялпи ҳосилнинг 70 процентини ёки 6.700 тоннаси агрегатларда саранжомланди. Эргаш Носиров, Асқарали Шомуродов, Ғуломжон Султонов, Рустам Аҳмедов каби дала гвардиячиларининг ҳар бири бункерлардан 160 — 204 тоннадан дурдона тўкди.

Зангори кемаларнинг нималарга қодирлигини амалда исботлаган бундай хўжаликлар областда талайгина. Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхоз, Ўзбекистон районидаги «Қолгандарё», «Комсомол», Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли, Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозлари шулар жумласига киради. Бу хўжаликларнинг механик-ҳайдовчиларидан Абдубанпо Холмуродов, Абдуллажон Маҳкамов, Валижон Алиев, Абдулла Усмонов, Давлатжон Мирзаев, Соибжон Қобилов, Соиба Ғаниева, Солижон Иброҳимов, Қаҳҳорали Қодиров, Қодирали Ҳамидов, Каримжон Меликулов ва Муродали Шокиров мавсумда 120 — 220 тонналик хирмон уйдилар.

Илғорлар тажрибаси механизмларга нисбатан авваллари ҳукмрон бўлган ишончсизлик ва нотўғри муносабатни, яъни машина теримидаги энг мушкул тўсиқни олиб ташлади. Кўпгина хўжаликларда зангори кемалардан унумли фойдаланилгани туфайли ҳосил ўз кучлари билан йиғиб-териб олинди. Бироқ областдаги мавжуд 2.022 та пўлат тулпорнинг ҳаммаси тўла қувват билан ишлатилди, дейишга асос йўқ. Негаки, бу соҳадаги топшириқ Фрунзе районида 92 процент, Риштонда 63, Ўзбекистонда 68, Киров районида 50 процент бажарилгани ҳолда Ленинградда 19, Қувада 22, Тошлоқда 24, Фарғона районида 23 процент уддаланди, холос.

Аҳвол шундай экан, хўжалик раҳбарлари йиғим-терим даврида ҳашарчилар, студентлар ва ўқувчилар ёрдамига умидвор бўлмасликларига ҳеч ким кафиллик беролмайди. Бунга энди йўл қўймаслик керак. Фарзандларимиз ўз юмушлари билан шуғулланишсин — тахи бузилмаган дарсликлару китоблар кутмоқда. Узоқ йиллардан буён теримнинг бутун оғирлигини елкасида кўтариб келаётган хотин-қизларимиз ҳам бироз нафас ростлашсин — дунёда меҳнатдан бошқа дам олиш, тарбия билан шуғулланиш деган тушунча ҳам бор-ку, ахир! Ҳаётнинг ўзи шуни талаб этмоқда.

Икром УТБОСАРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Узбекистон районидаги «Комсомол» совхозининг «Комсомол» бўлими заршунослари пахта тайёрлаш планини ошириб адо этдилар. Бунда механик-ҳайдовчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Ялпи ҳосилнинг асосий қисми бункерлардан тўкилди. Мусобақада Жўрақул Эгамов пешқадам. У мавсумда 140 тонналик хирмон уйди.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор механик-ҳайдовчи Жўрақул Эгамов. 2. Машина теримда.

Ҳ. МЕЛИБОЕВ ва М. САРИМСОҚОВ фотолари.

Мирзакалон ИСМОИЛИЙ таваллудининг 80 йиллигига

Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида 1908 йили таваллуд топган Мирзакалон Исмоилийнинг гўдаклик ва ўсмирлик йиллари бопалар уйида ўтди. 1922 йили у Тошкентга келиб, маориф институтида таҳсил олди. 1928 йили уни тугатгач, ўқишни В. И. Ленин номли Урта Осиё давлат университетининг шарқ факультетида давом эттирди. Ана шу даврда меҳнат фаолияти бошланди: ишчилар факультетида ўқитувчилик қилди, Тошкент киностудиясида, «Қизил Узбекистон» газетаси редакциясида, Узбекистон давлат нашриётида, республика Ёзувчилар союзининг аппаратида ишлади.

Улуғ Ватан урушн йилларида у Сталинград мудофаасида, Польшани озод қилишда ва Берлин учун бўлган жангларда қатнашди. Урушдан кейин эса ижодий союзларда меҳнат қилди. Узбекистон давлат нашриётининг таржима бўлимини бошқарди.

Ижодий фаолиятини 1927 йили «8 Март — хотин-қизлар озодлиги куни» драмаси билан бошлаган М. Исмоилий кейинчалик фронт ҳикоялари тўпламини китобхонларга совға этди. Қариб ўн йиллик меҳнатининг меваси ҳисобланган «Фарғона тонг отгунча» трилогиясини адиб ижодининг гултожи деса бўлади. Шундан сўнг унинг «Бизнинг роман», «Одамийлик қиссаси», «Узингдан кўр» каби қатор китоблари босилиб чиқди.

Л. Н. Толстойнинг «Анна Каренина», «Тирилиш», М. Ю. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони», М. Горькийнинг «Коновалов», Э. Войничнинг «Сўна», Ж. Верннинг «Сирли орол», Н. Погодиннинг «Милтиқли киши», «Кремль соати», Н. Островскийнинг «Бўрон болалари», М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» каби асарларини китобхон М. Исмоилий таржимасида ўқишга муяссар бўлган.

Шу кунларда истеъдодли адиб ва моҳир таржимон М. Исмоилий таваллудининг 80 йиллигини республикамиз жамоатчилиги кенг нишонламоқда.



АДИБ ХОТИРАСИ

Халқимиз санъатни, бадиий адабиётни азалдан севади. Ижодкорларнинг номларини камоли эҳтиром билан тилга олади. Бинобарин, шоир ёки адиб ҳаётидаги бирон-бир муҳим воқеа арафасида адабий кечалар ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Севимли ёзувчи ва таржимонларимиздан бири Мирзакалон Исмоилий туғилган куннинг 80 йиллиги олдидан Андижон областининг Балиқчи, Хўжаобод, Комсомолобод ва бошқа бир қатор районларида, шунингдек қардош Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида китобхонлар билан маroқли учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, адабиётшунос олим Раҳим Отаев, қаламкашлардан Рустам Раҳмон, Қамчибек Кенжа, Отаёр, Тўхташ Ашуров, Тўлан Низом ҳамда бошқалар севимли адибнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида сўзлаб бердилар.

К. СУЛТОНОВА.

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

Мирзакалон Исмоилий ҳаёт бўлганида ҳозир саксон ёшга кириб, даврнинг тўрида бағримизни тўлдириб ўтирар эди. Яхшиямки ўтган табаррук сиймоларни эслаш, ҳурмат-иззатини жойига қўйиш удумимиз бор экан, устозни, унинг қимматли сабоқларини яна бир карра ёдлаймиз.

Тақдир тақозоси билан М. Исмоилий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида камтарона бир монография ҳамда кичик рисола битгандим. Шу иш баҳона домла билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турардик. Айни чоғда тупроқдош-ҳамюртлигимиз ҳам сабаб бўлдими, у киши билан ота-боладай қадрдонлашиб кетдик. Уша мулоқотларни ҳамиша шукрона бир фахр-қониқиш билан эслайман. Устознинг ёзувчи, публицист, таржимон ва инсон сифатида бизга қолдирган меросларини эслайман. Адиб ижодининг ҳар бир қирраси алоҳида ўрганилишга лойиқ. Бу ўринда М. Исмоилийнинг таржимонлик фаолияти билан боғлиқ айрим хотира ва мулоҳазаларни баҳам кўрмоқчиман.

Устоз бадиий таржиманинг ўз ижодида тутган ўрни ҳақида кўп гапирарди. Айниқса: «Мен агар таржимадами, оригиналдами бирон нарсага эришган бўлсам, буни таржимон тақдиридаги ОГИР ЗАҲМАТ НЕЪМАТИ деб биламан. Қийинчилик билан топилган нонинг мазаси оғизда қолади. Менинг бадиий ижод соҳасидаги фаолиятим гарчи 1927 йилда Узбекистон давлат нашриёти томонидан чоп этилган «Саккизинчи март — хотин-қизлар озодлиги куни» номли саҳна асарим билан бошланган бўлса ҳамки ҚАЛАМИМНИ ТАРАШЛАГАН ОМИЛ БАДИИЙ ТАРЖИМА, айниқса улуғ Толстой асарлари таржимаси устида кўп терга пишиб қилган меҳнатим бўлди... Узоқ йиллик тажрибамга суяниб бир нима дейдиган бўлсам, бадиий таржиманинг ёзувчи учун жуда катта мактаб эканини таъкидлайман», — деган эътирофи ўринлидир.

Эсимда: юқорида айтилган рисолаларда бу ҳақда анча батафсил тўхталиб, қўлёзмани танишиб чиқиш учун домлага бердим. Чамаси, ўрганиш, ўзаро таъсир ҳақидаги мулоҳазаларда бироз «қовун туширгандай» чоғи, устоз қўлёзманинг бир четига «Ахир, ўзимдаям бир нима бўлганми?» дея киноя билан ёзиб қўйибдилар. Ҳаққоний танбеҳдан изза тортиб, тезда хатони тузатишга ошиқдим. Кейинги гал далда берган бўлдилар: бу битта сизнинг хатонгиз эмас, умуман олимларимизга теккан касал.

Умри давомида атиги иккита китоб ўқимайдиган кимсалар бўлади. Домла рус ва ғарб классикларининг икки юздан зиёд асарини таржима қилган! Таржима қилгандаям қойилмақом қилиб (ҳаммасини эмас, албатта) уддалаган. Бу далил адабиётга озми-кўпми дахлдор бўлган ҳар бир кишини қизиқтирмаслиги, қайратлантирмаслиги мумкин эмас. Суҳбатларимизда аввало иккита муҳим, ўзак масалани билиб олишга интилардим: устознинг таржима учун асар танлаши ва бевосита таржима жараёни, яъни НИМАНИ ҚАНДАЙ таржима қилиши масаласи. Мулоқотлардан шу нарса маълум бўлдики, М. Исмоилий дуч келган муаллифнинг асарини таржима қилавермас экан. Унинг энг сара таржималари аввало катта маънавий-ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида яратилган. «Сўна» романи таржимаси ҳақида гапириб, шундай деган эди: «Октябрь инқилобидан кейин нашриётчилик ишимиз анча жонланган бўлса ҳам, бадиий асарларга бўлган чанқоқлик узоқ давом этди. Ўттизинчи йилларда ҳам китоб очарчилиги бор эди. Уша маҳаллар нашр этилган бадиий асарларни бир ўтиришда ўқиб қўйиб, яна нимамиз бор, деб китоб қидириб қолардик. Шу сабабдан бўлса керак, ўша даврнинг китобга муккасидан кетган ёш ниҳоллари бадиий асарга чанқоқлигини тиши ўтса русча, бўлмаса озарбайжонча, татарча китоблар ўқиш билан босар эди. Ўша кезлар «Сўна»ни рус тилида ўқидим-у, худди сеҳрланган одамдай анча маҳалгача ўзимга кела олмай юрдим. Роман воқеаси эс-ҳушимни олиб қўйди. Шунда: «Қани энди бу китобни ўзбек тилига тиржима қилсам, халқимнинг бошқа фарзандлари ҳам мен олган завқни олса», — деб орзу қилдим. Орзум тез орада ушалди. «Сўна»ни ўзбекчага таржима қилиб, нашр эттирдим».

Устоз қандай қилиб моҳир таржимон бўлиб етишди? Ўзбекчалаштирилган асарлар нимаси билан эътиборга лойиқ? Шу каби саволларга «Сўна» романининг таржима вариантларини кўздан кечириб, бир қадар жавоб топиш мумкин. Роман уч марта нашр қилинган. Таржимон ҳар бир нашрга қайта-қайта сайқал берган. Шунинг учун ҳам таржима тобора мукаммаллашиб борган.

«Сўна» изидан» деган машҳур китобнинг муаллифи, Э. Л. Войнич ижоди бўйича йирик мутахассис Евгения Таратута «Сўна»нинг ўзбекча таржималарига астойдил қизиққанлиги бежиз эмас. Яқинда қўлёзмақоғозларимни титкилаётиб Е. Таратутанинг устозга йўллаган мактуби нусхасини кўриб қолдим. Хат муаллифи устоздан «Сўна»ни биринчи бор қачон ўқиганлиги, асар унда қандай таассурот қолдирганлиги, таржимага нима туртки бўлганлиги ,иш жараёнида дуч келинган қийинчиликлар, умуман роман билан боғлиқ ҳар қандай воқеа-тафсилотлар ҳақида батафсил ёзиб юборишни илтимос қилган эди.

М. Исмоилий таржимонлик фаолияти билан ўзбек театрида доҳий образини яратишга — саҳнамиз ленинномасига ҳам ҳисса қўшди. Театр санъатимизнинг табаррук сиймоларидан Маннон Уйғур, Ятим Бобожоновнинг шахсий илтимос ва далдаси туфайли М. Исмоилий Н. Погодиннинг «Милтиқли киши», «Кремль соати» асарларини муваффақият билан ўзбекчалаштирди.

Таржимон — ижодкор кўпинча ўз услубидан келиб чиқиб, кўнглига яқин бўлган санъаткорнинг асарини танлайди. Бу нарса таржима муваффақиятини таъминлайди. Устоз ҳам аввало кўнглига яқин ёзувчиларнинг асарларини таржима қилишга интиларди. Адиб мана шундай суйиб ардарган асарлардан бири турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг «Чолиқуши» романидир. «Бизда «Ўтган кунлар» қанчалик машҳур бўлса, «Чолиқуши» ҳам Туркияда шунчалик машҳурдир. Шу асарни кўп вақтлардан бери ўзбек китобхонига илинтиб юрардим», — деган эди М. Исмоилий.

«Чолиқуши» эндиликда ўзбек китобхонларининг севимли асарига айланди. Шу кунларда дўконларда унинг тўртинчи нашри сотилмоқда.

М. Исмоилийнинг таржимонлик фаолиятида Л. Н. Толстой асарлари салмоқли ўрин тутади. Устоз улуғ ёзувчи ижодининг чинакам мухлиси, билимдони ва жонкуяр тарғиботчиси эди. Толстойнинг нақадар буюк ёзувчи эканлигини, айниқса унинг «Тирилиш» романини бошқа ҳамма асарларидан устун қўйишини кўп таъкидларди. Ўттизинчи йилларда «Тирилиш»ни ардарганда ҳали таржимон сифатида етарли тажрибага эга эмасди. Шу сабабли бу ишидан ўзи ҳам қониқмай доғда қолганди. Устознинг ана шу армони «Анна Каренина»нинг таржимасида тўла ушалди. Шак-шубҳасиз, бу асар М. Исмоилий таржималарининг энг сарасидир.

Л. Н. Толстой асарларини ўзбекчалаштиришдаги қийинчиликлар, бутун-бутун саҳифалардан тошиб чиққан узун жумлалар, вергуллар, нуқтали вергуллар, қўшнуқталар, «ва»лар,, «ёки»лар, «қайсики»лар қўл ушлашиб чўзилиб кетган мураккаб жумлалар ҳақида устоз билан узоқ гаплашардик. Бундай толстойча жумлаларни ўзига хос таровати-жозибаси билан, асл нусхага зиён-зақмат етказмай қандай таржима қилиш мумкин? Ахир ана шундай жумлаларни туркий тилларга қандай ағдариш масаласи юзасидан озмунча баҳс-мунозаралар бўлганми? Устознинг ўзи ҳам мушкулотни тан олиб, шундай дерди: «Бундай алпомиш жумлалар таржимасида манман деган таржимон ҳам дод деб юборади. Мана энди айтинг: таржимон чекидаги мушкулот ёзувчиникидан осон эканми? Йўқ, менга қолса оғир, неча баравар оғир дердим...»

М. Исмоилий истеъдоди ана шу мушкулотларни енгиб ўтишда тобланди, маҳорати ошди. Ҳақли равишда энди устозни «таржимачиликда ўзига хос мактаб яратган адиб» дейишга ҳақлимиз.

Устоз ўз бошидан тақдирнинг оғир, аёвсиз синовларини кўп кечирган. Бирон марта имон-эътиқодига, ижодий принципларига шак келтирмаган.

Суҳбатларимизнинг бирида кўндан кўнглимга тугиб юрган гапни айтдим:

— Домла, нега айрим таржималарингиз бошқа кимсаларнинг имзосида чиқаяпти?

Устоз бир зум ўйга толди-ю худди ўзига-ўзи гапиргандек хаста товушда деди:

— Мени ўша ёқлардан («Қамоқдан» дейилмоқчи. Маълумки, шахсга сиғиниш йилларининг совуқ шабадаси устозга ҳам тегиб ўтганди) қайтиб келмайди, деб ўйлашган-да.

— Энди... Кеч бўлса ҳам ҳақ жойида қарор топсин-да.

— Э, қўяверинг. Бу жон ёнга қолган. Шунисигаям шукр. Қариганимда идорама-идора юришга тоби-тоқатим йўқ.

Устоз яқин йилларда, турғунлик даврида ҳам кўп ноҳақликларга дуч келган, аммо бирон жойга бориб арз-шикоят қилишни ўзига эп кўрмаган. Ғурурини, шаънини ҳамма нарсадан устун қўйган. Қамоқхонада ёзиб битирган «Фарғона тонг отгунча» романи дастлабки муҳокамада тўсиққа учраб, чоп этилиши орқага сурилганлигини гапириб берувдилар.

— Ўшанда ўзимга ўзим: э сенга ёзувчиликни ким қўйибди. Сен ўзинг асли таржимонсан. Эски ишингдан қўймасин, дедим-у яна таржимага муккамдан кетдим. Шу билан ўзимни овутиб, тушкун хаёллардан чалғидим.

М. Исмоилий таржима ишининг мушкуллигини таъкидлаш билан чекланмай, бу заҳматни ўзи ҳам кўп тортар, асл нусхага яқинлашишни узлуксиз давом этадиган жараён, деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг энг мукаммал, бақувват ҳисобланган, кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинган таржималарини ҳам нуқсондан холи деб ўйламасди.

Л. Н. Толстой юбилейи муносабати билан улуғ ёзувчининг беш томлик асарлари Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ўзбек тилида чоп этилган эди. Ана шу нашрга киритилаётган «Анна Каренина» романининг таржимасида ўтиб кетган айрим жузъий қусурларни тортиб-қимтиниб домлага кўрсатувдим, устоз фикримга бажонидил қўшилиб, таржимага сайқал беришга шошилдилар. Афсуски, кексалик, бетоблик туфайли бу ишни кўнгилдагидек ниҳоясига етказолмадик.

Таржима санъатми ёки фанми? М. Исмоилий ўз таржимонлик фаолияти билан унинг ҳам санъат, ҳам фан эканлигини исботлади. Ўзи ҳам бевосита таржима ҳақида қатор мақолалар ёзди. Фаолияти эса ўзбек таржимачилигида ўзига хос бетакрор бир мактабмезон бўлиб қолди. Таниқли таржимашунос олимлардан Ғ. Саломов, Ж. Шарипов, Н. Комилов, ёш тадқиқотчилардан Т. Жўра, З. Исомиддинов ва бошқалар М. Исмоилий таржимонлик маҳоратига холис-ҳаққоний баҳо берганлар.

Тилга муносабат, тил мураммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб ва кескин бўлиб турган шу кунларда Мирзакалон Исмоилийнинг тилга заргарона ёндашгани, бу борадаги маҳорати, ўз она тилининг қадр-қиммати, нуфузи учун бир умр, астойдил жон куйдирганлиги ҳаммамизга ибратлидир.

Шодмонбек ОТАБОЕВ.

Ўша йилларда

Мирзакалон Исмоилий
Ва қамоқхона...
Тўрт йилу тўрт ой...
Тўрт йилу тўрт ойда
Тўрт минг тўрт азоб.
Шундан нақ тўрт мингги —
Бўҳтон ҳамда ноҳақликлардан,
Қолган тўрттаси —
Озодлик, оила, ёр-биродарлар,
Хизмат соғинчи.
Ёзувчилик машаққати кирмайди бунга.
Йўқ, йўқ!
Хато қилдим,
Тўрт минг тўрт азоб —
Ёзувчилик қисматига эди жо-бажо!
Мирзакалон Исмоилий англарди буни.
Англамасди бўҳтон ҳамда ноҳақлик
Шу кўйларга солишини инсонни баъзан.
Тўғрироғи, тан олмасди
Ёмон бу ҳақиқатни.
Ўй сурди у,
Кунлар ўтди қатор-қатор ўйдай чўзилиб.
Ойлар,
Йиллар...
Кунлар, ойлар, йиллар қўйнида
Нелар ўтди —
Аён фақат Мирзакалон Исмоилийга!
Бизга эса қатъияти
Ва дарди аён:
Яшамоқ бир зарурат эди —
Топгунича ҳақ қарор!

Курашмоқнинг бундан ўзга қандай турн бор
Қамоқхонада!..
Ватан қаро кунларни
Кечирарди бошидан
Уша йилларда.
Халқнинг не-не содиқ ўғлони,
Содиқ ўғлонларнинг оилалари
Хўрланарди тутқунликларда
Ноҳақдан-ноҳақ
Уша йилларда.
Ҳимоя қилолмасди уларни эл-юрт,
Ваҳма, шубҳа деган қузғунлар
Ин қуриб олганди кўнгил дайрида.
Бўлаётган воқеалар ҳақида эса
Дардлашиб бўлмасди бирор зот билан:
Каттакон қулоққа айланган эди
Дунёдаги барча деворлар.
Тинглардилар улар кексалар
Йўталидан гўдаклар сасигача то,
Югурардилар
Ва тегишли маҳкамаларга!...
Тарихда бу қадар арзон бўлмаган
Одамзод нархи!..
Деворларни ишга солганлар
Душманларни қўлловчи эди,
Эзгуликни таловчи эди.
Тоза ҳаво йўқ эди, демак,
Бизнинг Ватанда
Уша йилларда.
Йўқ эди қамоқда ҳам —
Исбот талаб қилимас
Ҳақиқатдир бу!
Лекин битта туйнук бор эди
Мирзакалон Исмоилий камерасида —
Оғиз-бурун сиғгувчи туйнук.
Тоза ҳаво сизар эди ўша туйнукдан.
Пайқаб қолди шуни адиб
Бир кун ногаҳон:
Ҳаёт шабадаси эсгандек бўлди,
Қалбида бир нима кезгандек бўлди,
Умид нафасини сезгандек бўлди...
Ватанда йўқ, қамоқда йўқ бир тоза ҳаво
Сизарди ундан,
Ғойибдан сизар эди топ-тоза ҳаво.
Уша чорлади уни
Кутмоққа тонгни.
Ана шунда ташланди унга
Тўрт минг тўрт азобдан ортиқроқ азоб —
«Баҳам кўрмоқ лозим тоза ҳавони
Ҳамхона шу маҳбуслар билан!..»
Бироқ қандай қилиб! Хўш,
Қандайлар қилиб!!.
Туйнук битта эди,
Маҳбуслар талай!
Устига-устак,
Бу воқеадан
Қамоқдаги деворлар топишса хабар
[Бунда йўқмиди, ахир,
Уша деворлар,
Машъум деворлар
Бўлганида очиқ ҳавода!],
Беркитиб ташланарди туйнук шу заҳот!
Яъни маҳрум бўларди
Тоза ҳаводан
Шу бир киши ҳам,
Мирзакалон Исмоилий ҳам!..
Ҳамма ифлос ҳаво сўрганда,
Бир сен тоза ҳаво сўрмоғинг қийин.
Фақат таскин ахтармоқ лозим
Енган юракка:
«Ёзаётган китобим —
«Фарғона тонг отгунча» —
Шу маҳбуслар фарзандларига
Бир кун тоза ҳаво бўлиши мумкин!» —
Деганга ўхшаш.
Керак эди бу китоб, ахир,
Деворларни қулатмоқ учун.
Мен ўқидим такрор ва такрор,
Такрор-такрор ўйладим
Тўрт йилу тўрт ой —
Бағридаги азоб ҳақида.
Тоза ҳаво ҳақида ўйладим узоқ.

Шукур ҚУРБОНОВ.

Табиат — кошонамиз

ХАТЛАРНИ ЎҚИБ

Табиатни меҳри қайноқ жонкуяр онага менгзаймиз. Бу тушунчага она сўзини қўшиб улуғлаймиз. Инсонни табиат яратган. Устига-устак одамзод унинг мўъжизаларидан баҳраманд бўлади. Тириклик ва ҳаёт илдизлари — ер, ҳаво, сув, қуёш нури инсонга бахшида. Шундай экан, уни ааайлаб-асраш, ҳимоя қилиш унинг фарзандлик бурчидир.

Ҳозир дунё халқлари учун атроф муҳитини мусаффо ва беғубор сақлаш долзарб муаммо, умумбашарий вазифа. Редакция почтасига ҳар куни турли касб эгалари: ишчилар, колхозчилар, зиёлилардан келаётган табиат муҳофазасига доир мактублар ҳам буни тасдиқлайди.

Урганчлик врач Б. Жумановнинг куюнчаклик билан ёзишича, Хоразм области ва ҚҚАССРнинг Тўрткўл, Беруний, Манғит районларида яшил бойлик — кекса дарахтлар — гужум, олмўрут, қорамон қаровсизлик оқибатида қуриб кетаяпти. Муаллиф Самарқандда бўлганида ҳам шундай аҳволга дуч келганини, шаҳри азимда кекса дарахтларни қўнғизлар кемираётганини, лекин уларга қарши кураш чоралари кўрилмаётганини ачиниш билан ёзади. Аҳвол шу бўлса кўп йиллик ноёб дарахтларнинг келажак авлодга фақат расмларигина қолади. Наҳотки, бунинг олдини олишнинг иложи бўлмаса?

Андижонлик бухгалтер Қ. Раҳматуллаев тоғ сувларидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан фикр билдиради: тоғ ёнбағирларида жойлашган хўжаликларда ўзбошимчалик билан ўрнатилган сув насослари кўп. Унинг ҳисоб-китобини ҳеч ким олиб бормайди.

Нурота давлат қўриқхонаси ходими У. Шакаров бундай деб ёзади: «Қишлоқ аҳолисининг моллари ва совхозларнинг отлари қўриқхона ерларида боқилиб, Узбекистон ССР «Қизил китоби»га ёзилган нодир гиёҳлар уларнинг туёқлари остида йўқ бўлмоқда.

Уйчилик М. Қодиров область ўрмон хўжалигининг Зарбоб участкаси ишчиларининг амалга ошираётган ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Қашқадарёлик Ҳ. Хўжамқулов «Тоғлар боши туманли» мақоласида Қураган этагида жойлашган хўжаликлар ҳақида айрим мулоҳазалар билдиради.

«Табиат ва инсон» почтасига келган бир гуруҳ хатлар ҳайвонот оламига меҳр-муҳаббат, шафқат билан қарашга чақиради.

Қашқадарёлик ўқитувчи У. Саидов «Ғозлар қайтишган эди» мақоласида қанотли дўстларга шафқатсизлик билан муносабатда бўлиш ҳолларини танқид қилади. Уларни эзъозлаш зарурлиги таъкидланади.

Ғози Раҳмон эса «Йўллар ва ҳайдовчининг қонунда ёзилмаган бурчи» номли мақоласида шундай фикр билдиради: «Рус ўрмонлари ёнидан ўтган йўлларга ёввойи ҳайвонларни ааайлаб асраш ҳақида огоҳлантирувчи белгилар қўйилади. Бизда эса бирор жойда бу ҳақда белгиларни учратмаймиз.

Пискентлик И. Тошевнинг «Вафодор ит», «Йўлбарс ўч олди» каби воқеий ҳикояларида инсониятнинг табиат ва ҳайвонот олами билан муносабати тасвирланади.

Баҳор хабарчилари ҳақида ёзилган мақолалар ҳам кўп. Афсуски, вақт ўтгани сабабли улардан фойдаланишнинг имкони бўлмади. Қамашилик З. Муҳаммадиев, арнасойлик Н. Жиянов шу мавзуни қаламга олганлар. Бироқ уларнинг баъзиларида конкрет фактлар, айримларида чуқур таҳлил, бошқаларида аниқ фикр ва таклифлар йўқ, мазмунан изчиллик етишмайди. Муаллифларга ўзларининг табиат ва инсон мавзуига доир машқларини чуқурроқ ишлашларини тавсия этамиз.

Ленинободлик Э. Сойибназаров ва андижонлик Ҳ. Рустамов юборган воқеий ҳикоя ва репортаж тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш керак.

Редакция газетхонлардан табиат ва инсон мавзуига доир чуқур мазмунли ва қизиқарли мақолалар кутади.

БЎЛАЖАК ОЛИМПИАДАЧИЛАР КЎРИГИ

БУГУН ТОШКЕНТДАГИ «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА СССР ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНАДИ

Табиийки, бундай мусобақалар доимо бўлажак олимпиадачилар кўриги вазифасини ўтайди. Бу сафар ҳам шундай умид қилиш мумкин.

— Тошкентдаги чемпионат республикангизда гимнастиканинг янада ривожланишига имкон беришига ишончим комил, — деди мусобақа арафасида олимпиада чемпиони Лидия Иванова. — Маълумки, меҳмондўст ўзбек диёридан катта спортда донг таратган кўплаб номдор гимнастикачилар етишиб чиққанлар. Кези келганда жаҳоннинг мутлақ чемпиони Галина Шамрай, олимпиада ўйинларининг икки бор ғолиби Эльвира Саъдий, хизмат кўрсатган спорт мастери Сергей Диомидов, 1985 йилги жаҳон чемпионатининг команда бўйича олтин медали совриндори Ирина Бараксанова ҳақли равишда ўзбек гимнастикасининг фахри эканликларини таъкидлаш жоиз.

Бу safarги чемпионат олимпиада йилида ўтаётганлиги билан эътиборга молик. Шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимиз гимнастикачилари йилнинг энг йирик мусобақаси — Сеул олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, совет спорти байроғини янада баланд кўтардилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшлар ўрнак оладиган маҳоратли гимнастикачилар кўп. Бир неча йиллар жаҳон чемпионатларида довруғ таратган Николай Андрианов, Александр Дитятин, Александр Ткачев, Владимир Маркелов, Юрий Королев, Богдан Макуц, Дмитрий Билозерчев, Владимир Артемьев, Елена Давидова, Нелли Ким, Ольга Бичерова, Марина Филатова, Стелла Захарова, Елена Шушунова, Оксана Омельянчик, Наталья Юрченко ва Светлана Богинская ана шулар жумласидандир.

Айни пайтда мамлакат ёшлар терма командасига хизмат кўрсатган спорт мастери Николай Андрианов (ўсмирлар) ва СССРда хизмат кўрсатган тренер Анатолий Козеев устозлик қилишаяпти. Уларнинг шогирдлари кейинги йилларда социалистик мамлакатлар спортчилари ўртасида ўтказилаётган «Дўстлик» турнирида муваффақиятли қатнашиб, голиблик шоҳсупасидан ўрин эгаллаб келишаётир. Чунончи, 1988 йилги ана шундай мусобақада ўсмирларимиз команда ҳисобида зафар қучдилар. Москвалик Виталий Маринич эса шахсий ҳисобда биринчи бўлди. Шунингдек, айрим турлар бўйича кўплаб медаллар қўлга киритилди...

Республикамизнинг ёш гимнастикачилари мазкур чемпионатда муваффақиятли иштирок этиш учун бор маҳоратларини намойиш этишлари табиий. Зеро, улар бунга қадар Андижонда бўлган Узбекистон биринчилигида сўнгги кўрикдан ўтдилар. Унда Бутуниттифоқ ўсмирлар ўйинлари иштирокчилари, айниқса яхши қатнашиб, мутахассису мухлислар эътиборини қозондилар. Улар орасида мамлакат ёшлар терма командаси аъзоси Елена Левочкина борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Келажаги порлоқ бу гимнастикачимиз қўшкурашда 77, 75 балл тўплаб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Оксана Чусовитина иккинчи, Зулфия Хайрова учинчи ўринни эгалладилар.

Республика чемпионатидаги йигитлар баҳсида ҳам ғолиблик учун қизғин кураш борганлигини таъкидлаш лозим. Унда Александр Поляков бор маҳоратини намойиш этиб, қўшкурашда энг кўп балл тўплади. Натижада у ҳурмат шоҳсупасининг биринчи поғонасига кўтарилди. Виктор Никитин ва Ҳикмат Тўхтаев иккинчи, учинчи ўринни эгаллашди.

Шундай қилиб, бугун мамлакатимизнинг умидли ва иқтидорли гимнастикачилари навбатдаги мамлакат биринчилигида ғолиблик учун баҳсни бошлайдилар. Уч кун давом этадиган мусобақадан сўнг энг кучли гимнастикачилар аниқланиб, бўлажак олимпиадачилардан мамлакат терма командасига номзодлар сараланади.

Ф. ИСАЕВ,
И. АЛИМОВ.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

19 НОЯБРЬ, ШАНБА

РАКЕТА ҚЎШИНЛАРИ ВА АРТИЛЛЕРИЯ КУНИ

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Қалбга яқин қўшиқлар». Г. Пономаренко қўшиқлари.
9.40 «Тайга фонидаги монолог». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владивосток).
9.50 С. М. Киров номли Ленинград Давлат академик опера ва балет театри балет артистларининг концерти.
10.25 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув.
10.55 «Псков тупроғи тароналари». Псковдаги фольклор байрами ҳақида.
11.25 «Социализм мамлакатлари».
11.55 Бутунроссия конкурси лауреати Т. Хохлова куйлайди.
12.10 «Ҳайвонот оламида».
13.10 «Дунё воқеалари».
13.30 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». Танқисликдан қандай қутилиш мумкин? Грузия енгил саноати иши ҳақида мулоҳаза.
14.00 «Қайта қуриш ва маданият». СССР Театр арбоблари союзи билан учрашув.
15.00 «Бугун — Ракета қўшинлари ва артиллерия куни». Стратегик мақсадлардаги ракета қўшинлари Бош қўмондони, СССР мудофаа министрининг ўринбосари, армия генерали Ю. П. Максимов сўзи.
15.15 Халқ куйлари.
15.25 Халқаро программа.
16.25 «Кинопанорама».
17.55 Концерт.
20.30 «Ўтмиш ҳали олдинда». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 «Время».

Шанба оқшомида

22.00 В. Кикабидзе билан учрашув.
23.25 Янгиликлар.
23.30 Катталар учун мультфильмлар.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.

*

«Тафаккур» программаси

8.45 «Хазина кимга керак?». Репрография муаммолари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
9.10 Телевизион театр абонементи.
10.30 «Здоровье». Россия Қизил Крест жамиятининг 70 йиллигига. Илмий-оммабоп фильмлар.
11.20 Сенинг ленинча кутубхонанг. В. И. Ленин. «Кооперация тўғрисида».
12.05 Тараққиёт, ахборот, реклама.
12.55 «Умринг боқий бўлсин, Ер». Қрим экологияси муаммолари.
13.55 «Қайта қуриш ва ҳуқуқ». СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги СССР Қонунларининг лойиҳаларини муҳокама қиламиз.
14.15 Педагогика ҳамма учун. Иккинчи курс. 3-кўрсатув.
14.30 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
15.30 «Отряд». Бадиий фильм, субтитр билан (Литва киностудияси).
17.05 «Инсон учиш полосасида». Телевизион ҳужжатли фильм.
18.00 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Шахсий соҳчи». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
19.30 «Ниначи ва чумоли». Мультфильм.
19.40 Свердловскда бўлиб ўтган ҳужжатли фильмлар кинофестивалининг совриндор фильмлари. «Қадимий гиёҳ» (Новосибирск).
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 «Байрам оҳанглари». Узбекистон ССР «Шалола» фольклор ансамбли ижро этади.
21.00 «Время».
22.00 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Зенит». «Нефтчи» — «Динамо» (Киев);
00.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

*

10.00 «Шанба экрани». Кинопрограмма.
10.25 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа (такрор.).
11.15 «Ташқи бозорга йўл». Тошкент шаҳри корхоналарининг чет эл фирмалари билан ўзаро алоқаси ҳақида (рус.).
11.50 Экранимизда биринчи марта. «Вазиятга қараб иш тут». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
13.00 «Комсомол прожектори» (рус.).
13.15 Сурхондарё область Шўрчи районидаги «Кумуш тола» ансамблининг концерти.
13.55 А. Шаломаев. «Аҳмад Дониш». Ю. Ражабий номли Жиззах музикали драма театрининг спектакли.
15.25 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 Мультфильм.
18.00 «Бугун — Ракета қўшинлари ва артиллерия куни». Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ракета қўшинлари ва артиллерия бошлиғи, генерал-майор М. П. Козлов сўзи.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ахборот» (рус.).
19.15 «Ҳиндистон бўйлаб музикали саёҳат». Киноконцерт.
20.00 «Ахборот».
20.20 «Тилга эътибор».
21.00 Москва. «Время».
22.00 «Музикали учрашувлар». ЎзССР халқ артисти Шерали Жўраев.
23.05 «Акс этиш». Телефильм.
23.15 Кўрсатувлар программаси.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33, Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р 15857. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2145. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12